Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 22 январь, шанба № 19—20 (21.624). Сотувда эркин нархда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ, ХУСУСИЙ МУЛК МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бозор механизми самарали ишлаши учун тегишли шарт-шароитларни таъминлаш, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини жадаллаштириш зарурлигидан келиб чиқиб ҳамда хусусий мулкни ҳимоя қилиш мақсадида:

1. Республика ҳаётининг барча соҳаларида иқтисодий ислоҳотларни жорий этиш бўйича ишларни мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида иқтисодий ислоҳот, тадбиркорлик ва хорижий инвестициялар бўйича Идоралараро Кенгаш ташкил этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Молия вазирлиги ва Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда Кенгашнинг тузилмасини, таркибини, мақомини ва унинг ижроия аппарати штатларини белгиласин.

2. Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш бўйича Давлат дастурини ишлаб чиқсин ҳамда кўриб чиқиш тонна оғуқа экинлари, 5,7 саноат ва қурилиш тармоқларида хусусийлаштиришни амалга оширишга алоҳида эътибор берилсин. Унда қуйидагилар назарда тутилсин:

ёпиқ турдаги акционерлик жамиятларини фуқароларнинг давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнига эркин киришини таъминлайдиган очиқ турдаги жамиятларга айлантириш;

Республика кўчмас мулк савдоси биржасини ташкил этиш ҳамда хусусийлаштирилиши керак бўлган давлат объектларини у орқали сотишни амалга ошириш;

Республика фонд биржасини ташкил этиш ҳамда унда хусусийлаштирилаётган корхоналар акцияларининг биринчи туркуми жойлаштирилишини таъминлаш.

«Ўздавжамғарма» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан биргаликда ташкил этилаётган ва қайта тузилаётган акционерлик жамиятларининг акцияларини чиқаришни ва уларнинг фонд биржасида жойлаштирилишини таъминласин.

3. Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини, шунингдек, улар жойлашган ер участкаларини жисмоний ва юридик, шу жумладан, хорижий шахсларга хусусийлаштириладиган объектларни сотиб олишда улар фойдаланадиган маблағларнинг манбалари бўйича декларацияни улардан талаб қилмаган ҳолда танлов асосида хусусий мулк қилиб сотишга рухсат берилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари хусусий мулк асосида қурилаётган ва ташкил этилаётган савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарини шаҳарлар ва аҳоли яшайдиган жойларнинг энг нуфузли ва гавжум қисмларида жойлаштиришни назарда тутсинлар.

Бунинг учун тегишли маблағлар ва имкониятларга эга бўлганларнинг ҳаммасига зарур имтиёзлар, шу жумладан, кредитлар, шунингдек, хусусий корхона эгаларига Ўзбекистон Республикаси Конституцияси доирасида давлат кафолатлари берилсин.

Барча давлат тузилмалари ва мансабдор шахслар Фармоннинг ушбу бандини сўзсиз бажаришни таъминласинлар, бунда хусусий мулкчилик ҳуқуқига нисбатан ҳар қандай тажовуз қонун билан қатъий ва аёвсиз бартараф этилиши назарда тутилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

давлатга қарашли бўлмаган мулкни ҳуқуқий ҳимоя қилишни таъминлаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар ҳамда фуқароларнинг хусусий мулкка эгалик ҳуқуқларини бузганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик чораларини белгиласин. Кўрсатилган таклифлар директив органларга тақдим этилсин;

белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Фуқаролик кодексларига ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги таклифларни тақдим этсинлар.

5. Ўзбекистон Республикасида валюта бозорини ривожлантириш ва муомаладаги мавжуд валюта ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки:

халқаро банк амалиётида қабул қилинган нормаларга мувофиқ фоизлар тўланган ҳолда жисмоний шахсларга чет эл валютасида счётлар очиш учун жойларда зарур шароитлар яратсин;

ўзининг «ВИЗА Интернешнл» дебит ва кредит карточкаларини муомалага чиқаришни ҳамда уларга ҳам Ўзбекистон Республикаси ичида, ҳам чет элда хизмат кўрсатишни тезлаштирсин;

банкларнинг нақд чет эл валютасидаги касса операцияларини ўз корреспондентлик счётлари тизими орқали марказлаштирилган тарзда хизмат кўрсатишга қабул қилсин.

6. Фуқароларнинг товарлар келтиришни ва ички бозорни тўлдиришни таъминлайдиган хусусий-тадбиркорлик фаолияти ҳар томонлама рағбатлантирилсин, майда улгуржи, шу жумладан, оилавий асосдаги савдо тузилмаларини ташкил этиш бутун чоралар билан қўллаб-қувватлансин.

Ушбу мақсадда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ва акционерлик-тижорат банклари тегишли гаров ёки кафолат шарти билан Ўзбекистон Республикаси фуқароларига миллий ва чет эл валютасида кредит беришни амалга оширсинлар. Давлат муассасалари кўрсатилган тузилмаларни рўйхатга олишда ва банкларда уларнинг счётларини очишда мавжуд бўлган тўсиқлар ва сансалорликларни бартараф этсинлар. Адлия вазирлиги кўрсатилган масалалар бўйича низомни тасдиқласин.

Нақд чет эл валюталари ва МДҲ мамлакатлари пул белгиларини Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва хорижий фуқаролар томонидан республикага келтириш ва четга чиқариш бўйича чеклашлар бекор қилинсин, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига зид бўлган ҳоллар бундан мустасно.

7. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган, устав фондида хорижий сармоя улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган қўшма корхоналар хорижий валютадаги тушумдан солиқ тўлашдан ва уларни Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига рўйхатга олинган пайтдан бошлаб 5 йил муддатга мажбурий сотишдан озод қилинсинлар.

8. Молия вазирлиги ҳузурида «Ўздавхазина»нинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги активларининг бир қисмини берган ҳолда, мамлакат ва хорижий инвестициялар суғуртаси бўйича «Ўзбекинвест» давлат компанияси ташкил этилсин.

Молия вазирлиги бир ой муддатда дастлабки устав сармоясини шакллантириш манбалари тўғрисидаги масалани ҳал этсин. Компания тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин. Бунда хорижий инвестициялар учун энг қулай тартиб яратилиши назарда тутилсин.

9. Фаолиятнинг айрим турлари билан шуғулланиш учун махсус рухсатномалар (лицензиялар) бериш жараёни соддалаштирилсин. Ушбу ҳуқуқлар 1-иловадаги давлат бошқарув органларига берилсин.

Бунда Ҳукуматнинг 1-иловага кирмаган айрим вазирликлар ва идоралар томонидан махсус рухсатномалар (лицензиялар) бериш ҳуқуқи тўғрисидаги илгари қабул қилинган ҳужжатлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда шуғулланиш махсус рухсатнома (лицензия)ни талаб этувчи фаолият турларини қисқартириш бўйича ҳамда мазкур Фармондан келиб чиқувчи қонун ҳужжатларини ўзгартириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашига таклифлар киритсин.

10. Белгилаб қўйилсинки, умумий саноат учун мўлжалланган маҳсулотларни ва халқ истеъмол молларини давлат томонидан харид қилиш ҳажмлари тасдиқланмайди, тақсимланмайди ҳамда етказиб берувчиларга ва истеъмолчиларга маълум қилинмайди.

Вазирлар Маҳкамаси давлат эҳтиёжлари учун озиқ-овқат товарларини аҳолининг ижтимоий эҳтиёжларини таъминлаш, давлатлараро битимларни бажариш ва экспорт мақсадлари учун ёқилғи-энергетика ва хом ашё ресурсларини етказиб бериш ҳажмларини аниқласин ва тасдиқласин.

11. Корхоналар ва хўжаликлар ихтиёрида қоладиган товарлар ва маҳсулотларни сўм-купонларга сотиш бўйича товар хом ашё биржалари иштирокида улгуржи ярмаркаларни ташкил этиш ва ўтказиш амалиётга жорий этилсин.

Шу тарзда сотиб олинган товарларни республика ташқарисига чиқариш учун, тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда, лицензия талаб қилинмайди ва бож пошлинаси олинмайди.

12. Вазирлар Маҳкамаси Комплексларининг раҳбарлари икки ҳафта муддатда Вазирлар Маҳкамасига қуйидагилар тўғрисида таклифлар киритсинлар:

корхоналарнинг хўжалик фаолиятини бошқариш органи сифатида бозор муносабатларини ривожлантириш шарт-шароитларига жавоб бермаётган давлат концернларини тугатиш тўғрисида;

концернларни 2-иловага мувофиқ ишлаб чиқарувчилар уюшмаларига айлантириш, ушбу уюшмалар тўғрисидаги низомларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, бунда уларнинг директив функцияларга эга эмаслиги, уларнинг асосий вазифаси бозор конъюктураси ва маҳсулотлар маркетингидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқаришни ривожлантириш стратегиясини белгилашдан иборат эканлигини назарда тутиш.

Давлат — акционерлик уюшмалари ва корпорациялари ўз уставларини «Ўзбекистон Республикасида корхоналар тўғрисида»ги Қонунга ва юқорида кўрсатилган талабларга мувофиқлаштирсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига хўжалик бирлашмалари уставларини рўйхатга олиш ва уларга риоя этилишини назорат қилиш ҳуқуқи берилсин.

13. Ҳокимликлар ва юқори бошқарув органлари томонидан, мулкчилик шаклидан қатъий назар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг молиявий ва хўжалик фаолиятига ҳар қандай аралашишга йўл қўйилмайди деб ҳисоблансин.

Ҳокимликлар томонидан туманлар ва шаҳарлар ҳудудидаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг маблағлари ҳисобига ҳар хил бюджетдан ташқари жамғармалар ташкил этилиши қатъиян тақиқлансин.

14. Ўзбекистон Республикасига келтириладиган товарларнинг барча турлари импортига бож пошлиналари 1995 йил 1 июлга қадар бекор қилинсин.

Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда республика ҳудудига келтириш тақиқланган товарлар (қимматли буюмлар) рўйхатини аниқласинлар ва уни республика божхона бўлинмаларига етказсинлар.

15. Қуйидагилар тасдиқлансин:

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги томонидан бериладиган лицензиялар бўйича белгиланган квоталар ҳажмида экспорт қилинадиган товарлар рўйхати 3-иловага мувофиқ;

товарларни экспорт қилиш учун бож пошлиналарининг вақтинчалик ставкалари 4-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги томонидан бериладиган лицензиялар бўйича экспорт ва импорт қилинадиган махсус товарлар (ишлар, хизматлар) рўйхати 5-иловага мувофиқ;

экспорт қилиш тақиқланадиган товарлар рўйхати 6-иловага мувофиқ.

Бунда ушбу банднинг амал қилиши Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига, шу жумладан, МДҲ мамлакатларига олиб чиқиб кетиладиган товарларга жорий этилиши белгилаб қўйилсин.

3, 4, 5-иловаларга киритилмаган бошқа барча товарларга кўрсатиб ўтилган чеклашлар тегишли равишда тадбиқ этилмайди.

16. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга боришлари тартиби соддалаштирилсин. Чет элга борувчининг аризаси ва тегишли хорижий давлатнинг келиш визаси чет элга бориш учун асос бўлади деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикасига келиш ва ундан ташқарига жўнаб кетиш ҳужжатларини расмийлаштириш жараёнларини компьютерлаштириш бўйича бир ой муддатда таклифлар киритсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси чет элга боришлари махсус келишишни талаб этувчи мансабдор шахслар рўйхатини ўн кун муддатда белгиласин.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда мазкур Фармонни бажариш бўйича тегишли қарорлар қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил, 21 январь.

СЕМИНАР—КЕНГАШ БЎЛИБ ЎТДИ

21 январь куни Тошкентда «Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларнинг боришн тўғрисида» мавзусида республика семинар-кенгашн ўтказилди.

Унда вилоятлар деҳқончилик-саноат уюшмаларининг раҳбарлари, илмий тадқиқот институтларининг, ўқув юртларининг, хўжаликларнинг олим ва мутахассислари ишрок этди.

Семинар иштирокчилари республика деҳқончилик—саноат мажмуининг ўтган йилги иш якунларини муҳокама қилдилар, камчиликларнинг сабабларини таҳлил этдилар, республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни тезлаштиришга доир таклифларни ўртага ташладилар. Ҳозирги вақтда аввало зарар келтираётган хўжаликларни хусусийлаштириш, мулкка эгалик шаклини ўзгартириш, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш жуда муҳим вазифа эканлиги таъкидланди. Бозор иқтисодиёти шароитида мутахассислар тўғри йўлни танлай олишлари, ислоҳотларни амалга ошириш ишида собитқадамлик ва билимдонлик билан иштирок эта олишлари учун қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ҳамма бўғинларидаги ходимларининг малакасини оширишга алоҳида эътибор бериш лозим. Мустақил Ўзбекистоннинг умумий иқтисодий аҳволи республика қишлоқ хўжалиги тармоқларининг ишидаги муваффақиятга боғлиқ, деб таъкидлашди нотиқлар.

Семинар—кенгашда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков нутқ сўзлади.

(ЎзА).

ИСЛОҲОТНИ ИЗЧИЛ АМАЛГА ОШИРАЙЛИК

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИ И. ЖЎРАБЕКОВНИНГ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИДА СЎЗЛАГАН

НУТҚИ

Республика деҳқончилик-саноат мажмуида Президент фармонлари ва ҳукумат қарорларига мувофиқ мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ҳамда хусусийлаштириш, меҳнат жамоаларига бозор шароитида муваффақиятли фаолият кўрсатиши учун имкон яратиш борасидаги ишлар изчил амалга оширилмоқда.

Давлат қишлоқ хўжалиги корхоналарининг кўпчилиги 1993 йилда хўжалик юритиш бошқа шаклларига ўтказилди. 734 та давлат хўжалиги негизида 322 та жамоа хўжалиги, 313 та ширкат, 99 та ижара ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ташкил этилди. Давлат хўжаликларини давлат тасарруфидан чиқариш ҳисобига бошқарув ходимларининг сони 7 минг кишига камайди, ҳар ойда меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича 170 миллион сўм тежалмоқда.

Вазирлар Маҳкамаси қарорида мўлжалланганидан 155 та кўп, яъни 764 та ферма чорвачилик ходимларига мулк қилиб берилди. Ҳозирги пайтда 702 та хусусий ферма банкларда мустақил ҳисоб-китоб счётига эгадир, қолганлари хўжаликлар билан ўз муносабатини шартнома асосида қурмоқда.

Текшириш янгидан тузилган хўжаликларда раҳбарликнинг маъмурий усули иқтисодий усуллар билан алмаштирилаётганини кўрсатди. Ишлаб чиқариш бўлинмаларининг кўпчилиги ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш тамойилида ишламоқда. Меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантиришнинг барча тизими ишлаб чиқаришнинг пировард натижаларига, далаларнинг ҳосилдорлиги ва фермаларнинг маҳсулдорлигига боғлиқ қилиб қўйилган.

Йил якунларига кўра қишлоқ хўжалигида 14256 та деҳқон (фермер) хўжалиги фаолият кўрсатди. Улардан 7463 тасининг банкларда ўз ҳисоб-китоб счёти бор. Деҳқон (фермер) хўжаликлари ўтган йили 24 минг тонна дон, 11 минг тонна сабзавот, 8 минг тонна полиз маҳсулотлари, 95 минг тонна озуқа экинлари, 5,7 минг тонна гўшт ва 32,6 минг тонна сут етиштирди.

Жойларда деҳқон (фермер) хўжаликларининг модий-техника асосини мустаҳкамлаш бўйича ёрдам кўрсатилмоқда, уларга суғориладиган экин майдони, ем-хашак, чорва моллари, модий ресурслар ажратилмоқда.

Иқтисодий ислоҳот самара бера бошлади. Ўтган йили об-ҳаво ниҳоятда ноқулай келди, шунга қарамай, кўпчилик хўжаликлар пахтадан яхши ҳосил олди. Улар режадан ортиқча етиштирилган 270 минг тонна толани ўз ихтиёри билан сотиши мумкин. Дон, картошка маҳсулоти 1992 йилдагидан кўп тайёрланди, чорвачиликдаги инқироз амалда бартараф этилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига нарх белгилаш, жамоа ва давлат хўжаликлари, тайёрлов ташкилотларини кредит билан таъминлаш, етиштирилган маҳсулотларни сотишда ишлаб чиқарувчиларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш масалалари ҳукуматнинг доимий назорати остида турибди.

Ислоҳотни чуқурлаштирмасдан, бозор муносабатларини ривожлантирмасдан қишлоқ хўжалигини самарали юритиб бўлмаслиги бугунги кунда ҳаммага аён бўлиб қолди. Бироқ бу ишларнинг натижасини қониқарли деб бўлмайди. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Қаюмов) «Ўзмевасабзавотузумсаноат» концерни (Мирзаев) ва уларнинг жойлардаги идоралари хўжаликларининг мустақиллигини рўкач қилиб, ер-сув ресурсларидан фойдаланиш, янги технологияни жорий этиш ва қишлоқ хўжалиги экинлари етиштириш агротехникасига риоя қилиш устидан талабчанликни сусайтириб юборганлиги оқибатида мана шундай ҳол юз берди. Шунингдек, улар уруғчилик, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари навларини жойлаштириш масалаларидан ўзларини четга олмоқдалар. Натижада далаларнинг ҳосилдорлиги ўсмаяпти, давлат эса катта миқдордаги маҳсулотни олмаяпти. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, туманлар ва вилоятлар ҳокимликлари бу масалаларга эътибор бермаяпти.

Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида ўтган йили ҳар гектардан атиги 25—35 центнер маккажўхори дони олинганини, Бухоро, Навоий, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларида картошка ҳосилдорлиги гектаридан 46—70 центнердан ортиқ бўлмаганини; Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Навоий ва Сирдарё вилоятларида ҳар гектардан олинган сабзавот 140 центнердан ошмаганини изоҳлаш қийин.

Мана шу сабабларга кўра Тошкент вилояти истеъмолчиларга 40 минг тонна, Андижон вилояти 20 минг тонна сабзавот, Қашқадарё, Сурхондарё ва Самарқанд вилоятлари эса давлат ресурсларига катта миқдорда донни кам етказиб берди.

Маъмуриятчилик, расмиятчилик ва ишни яхши билмаслик ислоҳотнинг самарали ўтказилишига тўсиқ бўлмоқда. Ана шу боисдан бу муҳим ижтимоий-иқтисодий тадбирлар йўққа чиқмоқда.

(Давоми иккинчи бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 1994 ЙИЛ 21 ЯНВАРДАГИ ФАРМОНИГА 1-ИЛОВА

ФАОЛИЯТНИНГ АЙРИМ ТУРЛАРИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШ ҲУҚУҚИНИ БЕРУВЧИ МАХСУС РУХСАТНОМА (ЛИЦЕНЗИЯ)-ЛАРНИ БЕРИШ ВАКОЛАТИГА ЭГА БЎЛГАН ДАВЛАТ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИНИНГ РЎЙХАТИ

1. Вазирлар Маҳкамаси
2. Адлия вазирлиги
3. Молия вазирлиги
4. Марказий банк
5. Ички ишлар вазирлиги
6. Соғлиқни сақлаш вазирлиги
7. Халқ таълими вазирлиги

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 1994 ЙИЛ 21 ЯНВАРДАГИ ФАРМОНИГА 2-ИЛОВА

ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН ДАВЛАТ КОНЦЕРНЛАРИ НЕГИЗИДА ТАШКИЛ ЭТИЛАЁТГАН ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР УЮШМАЛАРИНИНГ РЎЙХАТИ

1. Кимё саноати корхоналари уюшмаси — кимё саноати концерни негизида
2. Радиоэлектроника ва электр техникаси саноати корхоналари уюшмаси — радиоэлектроника ва электр техникаси саноати концерни негизида
3. Металлургия саноати корхоналари уюшмаси — металлургия саноати концерни негизида
4. Машинасозлик корхоналари уюшмаси —машинасозлик концерни, «Қишлоқхўжаликмаш» концернининг қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналари ва тўқимачилик саноати учун машинасозлик концерни негизида
5. Автомобилсозлик корхоналари уюшмаси — «Қишлоқхўжаликмаш» концернининг автомобилсозлик корхоналари негизида
6. Рангли металлар қазиб олиш корхоналари уюшмаси — Ўзбекистон Республикаси Давлат қимматбаҳо металлар қўмитаси негизида

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 1994 ЙИЛ 21 ЯНВАРДАГИ ФАРМОНИГА 3-ИЛОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР ВАЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН БЕРИЛАДИГАН ЛИЦЕНЗИЯЛАР БЎЙИЧА БЕЛГИЛАНГАН КВОТАЛАР ҲАЖМИДА ЭКСПОРТ ҚИЛИНАДИГАН (ШУ ЖУМЛАДАН, МДҲ МАМЛАКАТЛАРИГА ЧИҚАРИЛАДИГАН) ТОВАРЛАР РЎЙХАТИ

1. Нефть хом ашёси, нефть маҳсулотлари, ярим тайёр маҳсулотлар ҳамда нефтни қайта ишлаш ва нефть-кимё корхоналари чиқиндилари, шу жумладан, компонентлари.
2. Табиий газ, газ конденсати ва қаттиқ парафин.
3. Электр энергияси
4. Сара кўмир
5. Рангли металлар рудалари, рангли металлар концентратлари ва саноат маҳсулотлари
6. Қора металлар прокати, қора металлар парчаларя ва чиқиндилари
7. Рангли металлар прокати, рангли металлар парчалари ва чиқиндилари
8. Пўлат қувурлар
9. Иккиламчи алюминий
10. Мис (шу жумладан, катанка ва троллейбус сими)
11. Металл руҳ
12. Рангли металлардан тайёрланган кабель-ўтказгич маҳсулотлар
13. Минерал ўғитлар ва синтетик аммиак
14. Пахта толаси, пахта чиқиндилари
15. Тери хом ашёси
16. Пилла, ипак хом ашёси
17. Ўсимлик мойи
18. Дори-дармонлар
19. Чигит
20. Каноп толаси
21. Карбоксилметилцеллюлоза
22. Ферментланган тамаки
23. Омихта ем
24. Винобоп материаллар
25. Кирсовун
26. Шиша идишлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 1994 ЙИЛ 21 ЯНВАРДАГИ ФАРМОНИГА 4-ИЛОВА

ТОВАРЛАРНИ ЭКСПОРТ ҚИЛИШ (ШУ ЖУМЛАДАН, МДҲ МАМЛАКАТЛАРИГА ЧИҚАРИШ) УЧУН БОЖ ПОШЛИНАЛАРИНИНГ

ВАҚТИНЧАЛИК СТАВКАЛАРИ

Товарнинг қисқача номи	Контракт қийматидан % ҳисобида олинадиган бож пошлиналари ставкалари
1. Пишлоқ ва ёғли бринза	50%
2. Товар озиқбоп балиқ маҳсулоти, шу жумладан, балиқ консервалари	50%
3. Омихта ем	50%
4. Экиш ва қайта ишлаш учун уруғлар, мевалар ва споралар	20%
5. Мойли ўсимликлар кунжараси	30%
6. Пахта линти	10%
7. Ёғлар, ўсимлик мойи, уларни эритишдан олинган маҳсулотлар, тайёрланган озиқ-овқат ёғлари	50%
8. Макарон маҳсулотлари	50%
9. Винобоп материаллар	10%
10. Ишлов берилмаган тамаки	10%
11. Идишга солинган ош тузи	50%
12. Арраланган мармар	10%
13. Арраланган гранит	10%
14. Гипс, ангидрид, алебастр	10%
15. Полиуретанлар	10%
16. Нефть смоласи	10%
17. Карбоксиметилцеллюлоза ва	

(Давоми иккинчи бетда).

(Давоми. Боши биринчи бетда).

унинг тузлари	15%
18. Целлюлоза ва ундан тайёрланган маҳсулотлар	25%
19. Полимерлардан тайёрланган қувурлар, қувурчалар ва шланглар	30%
20. Полимерлардан тайёрланган плёнкалар	30%
21. Ёғлаш мойлари	20%
22. Нефтдан олинган вазелин	20%
23. Нефтдан олинган кокс	20%
24. Битумлар	20%
25. Олтингугурт кислотаси	10%
26. Сувсиз аммиак	10%
27. Сунъий корунд	10%
28. Мис сульфати	10%
29. Қўрғошин сульфати	10%
30. Капролактам, лактамлар	15%
31. Момиқ пахта, дока, бинтлар ва шунга ўхшаш материаллар	10%
32. Лаклар ва бўёқлар	20%
33. Синтетик ювувчи воситалар	20%
34. Тери хом ашёси, шу жумладан, ностандартлари ҳам, чарм	50%
35. Мўйна ва мўйна маҳсулотлари	20%
36. Гугурт	50%
37. Дурадгорлик буюмлари	50%
38. Полимер идишлар	50%
39. Консервалашга мўлжалланган шиша идиш	50%
40. Шиша бутилкалар	50%
41. Қоғоз	50%
42. Картон	50%
43. Қоғоз чиқиндилари	50%
44. Ўқувчилар дафтари	50%
45. Пилла	5%
46. Ипак хом ашёси	5%
47. Ипак чиқиндилари	5%
48. Ипак ип	10%
49. Ипак чиқиндиларидан тайёрланган ип	10%
50. Жун	20%
51. Жун чиқиндилари	10%
52. Жун ип	20%
53. Пахта толаси	5%
54. Пахта чиқиндилари (ўлик пахта)	5%
55. Синтетик, сунъий ипдан тайёрланган чилвир	10%
56. Вискоза толаси (сунъий тола)	5%
57. Синтетик, сунъий толадан эшилган ип	10%
58. Қўлда тўқилган гиламлар	40%
59. Марварид, қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошлар, қимматбаҳо металлар ва улардан тайёрланган буюмлар	50%
60. Арзонбаҳо металлардан тайёрланиб қимматбаҳо металлар билан қопланган буюмлар	40%
61. Кабель маҳсулоти	20%
62. Рангли металлар, қотишмалар, прокат ва буюмлар	10%
63. Алюминийдан қолиплаб, қуйиб тайёрланган идиш	50%
64. Рангли металлар чиқиндилари ва парчалари	40%
65. Санъат асарлари, коллекцияланадиган буюмлар	100%

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 1994 ЙИЛ 21 ЯНВАРДАГИ ФАРМОНИГА 5-ИЛОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР ВАЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН БЕРИЛАДИГАН ЛИЦЕНЗИЯЛАР БЎЙИЧА ЭКСПОРТ ВА ИМПОРТ ҚИЛИНАДИГАН (ШУ ЖУМЛАДАН, МДҲ МАМЛАКАТЛАРИДАН КЕЛТИРИЛАДИГАН ВА УЛАРГА ЧИҚАРИЛАДИГАН) МАХСУС ТОВАРЛАР (ИШЛАР, ХИЗМАТЛАР)

Р У Й Х А Т И

1. Дори-дармонлар, заҳарлар, гиёҳвандлик ва психотроп воситалари

2. Дори-дармонлар ишлаб чиқариш учун хом ашё ҳамда ёввойи ҳайвонлар ва ёввойи ҳолда ўсадиган ўсимликлардан тайёрланган Тибет тиббиёти маҳсулотлари

3. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет мамлакатлардаги ўз касби бўйича фаолияти

4. Кино, видео ва аудио маҳсулотларини импорт қилиш.

5. Илмий-тадқиқот ишлари натижалари, ноу-хау, ихтироларни экспорт қилиш

6. Чет мамлакатлардаги инвестициялар

7. Усимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситалари

8. Қурол-яроғлар, ҳарбий техника, уларни ишлаб чиқариш учун махсус бутловчи қисмлар

9. Қимматбаҳо металлар, қотишмалар, улардан тайёрланган буюмлар, қимматбаҳо металлар рудалари, концентратлари, парчалари ва чиқиндилари, қимматбаҳо табиий тошлар ва улардан тайёрланган буюмлар

10. Уран ва бошқа радиоактив моддалар, улардан тайёрланган буюмлар

11. Радиоактив моддалардан фойдаланган ҳолда тайёрланган приборлар ва асбоб-ускуналар

12. Радиоактив ва портловчи моддаларнинг чиқиндилари

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 1994 ЙИЛ 21 ЯНВАРДАГИ ФАРМОНИГА 6-ИЛОВА

ЭКСПОРТ ҚИЛИШ (ШУ ЖУМЛАДАН, МДҲ МАМЛАКАТЛАРИГА ЧИҚАРИШ) ТАҚИҚЛАНГАН БУЮМЛАР ВА МАҲСУЛОТЛАР

Р У Й Х А Т И

1. Давлат ресурсларидаги ун ва ёрмалар
2. Чорва моллари, парранда (декоративларидан ташқари)
3. Гўшт, шу жумладан, унинг қўшимча маҳсулотлари
4. Мол ёғи
5. Ёғи олинган қуруқ сут
6. Чой хом ашёси, чой
7. Қанд-шакар
8. Этил спирти
9. Катта бадиий, тарихий, илмий ёки бошқа маданий қимматга эга бўлган қадимий буюмлар (картиналар скульптуралар ва бошқалар)

ИСЛОҲОТНИ ИЗЧИЛ АМАЛГА ОШИРАЙЛИК

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Иқтисодий қайта ўзгаришлар хўжаликларнинг фақат номини алмаштиришдан иборат бўлиб қолаётганига кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Хўжалик ички ишлаб чиқариш муносабатлари, мутахассисларнинг роли ва ўрни ўзгаришсиз қолмоқда. Деҳқонлар ва механизаторлар ўзларини ишлаб чиқариш воситалари ва етиштирилган маҳсулотнинг эгаси деб ҳис қилмаяптилар, уларнинг ишлаб чиқариш фаоллиги ҳамон суст. Натижада ишлаб чиқаришни кучайтириш имкониятларидан етарли даражада фойдаланилмаяпти, бозор муносабатлари секин ривожланмоқда.

Чорвачиликдаги аҳвол бу хулосаларни тасдиқлаб турибди. Тошкент вилоятида (Икромов) чорвачилик фермаларини меҳнат жамоаларига мулк қилиб бериш бўйича топшириқ ортиғи билан бажарилди. Бироқ, гўшт етиштириш ўтган йилдагига нисбатан 26 фоиз, сут етиштириш 6 фоиз камайиб кетди.

Самарқанд вилоятида (меҳнат жамоаларига топшириқдаги 107 ферма ўрнига 134 ферма мулк қилиб берилган) гўшт етиштириш 9 фоиз камайган.

Андижон, Бухоро, Сирдарё, Хоразм вилоятларида ҳам чорвачилик маҳсулотларининг камайишига йўл қўйилган. Наманган, Сурхондарё, Хоразм вилоятларидан ташқари барча вилоятларда гўшт етиштириш камайиб кетди. 7 вилоятда сут етиштириш камайган.

Бу мисоллар ҳокимликлар ва қишлоқ хўжалиги идораларининг ташкилотчилик ишлари қайси аҳволда эканини, бир қанча ходимларнинг ўз ишига бепарволигини кўрсатиб турибди.

Кўпчиликни ислоҳотни ўтказишда давлат томонидан катта ёрдам кўрсатилаётганига қарамай, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг иқтисодий аҳволи мураккаблигича қолаётгани ташвишга соляпти.

Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 3 августдаги 386-сон қарорига биноан қишлоқ хўжалиги корхоналарининг молиявий аҳволини яхшилаш мақсадида 346 давлат хўжалигининг 12,7 миллиард сўмлик қарзи тўлаши узоқ муддатга кечиктирилган, 1992 йилда 300 давлат хўжалигининг 1,1 миллиард сўмлик қарзи кечиб юборилган эди.

Шунга қарамай, 588 хўжалик 1993 йилни 6,6 миллиард сўм зарар билан якунлаши кутилмоқда.

Энг кўп зарар кўрган хўжаликлар Бухоро вилоятида — 50, Жиззахда — 69, Наманганда — 55, Самарқандда — 17, Сирдарёда — 68 тани ташкил этади.

Бундай аҳвол об-ҳавонинг ноқулай келиши билан боғлиқ, дейиш мумкин. Лекин бунинг асосий сабаби ислоҳотни ўтказишда йўл қўйилган қўпол хатолар, янги шароитда ишлаб чиқаришни қониқарсиз ташкил этилганидадир.

Қишлоқ хўжалик корхоналарининг молиявий аҳволи ёмонлашувига сабаб шундаки, катта миқдордаги маблағлар қарзга тўланяпти. Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг дебиторлик қарзлари 89 миллиард сўмни, «Ўзмевасабзавотузумсаноат» концернининг қарзлари 15,6 миллиард сўмни ташкил этмоқда.

Тўлов интизоми кескин пасайиб кетган. Республика вазирликлари ва идораларининг қишлоқ хўжалигидан ва қайта ишлаш саноати корхоналаридан олинган маҳсулот учун қарзи 450 миллиард сўмдан ортиб кетди. Бу нарса деҳқончилик-саноат ишлаб чиқаришини ривожлантиришда катта тўсиқ бўлиб турибди.

Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ҳокимликлари, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Ўзмевасабзавотузумсаноат» концерни ва уларнинг жойлардаги идоралари қишлоқ хўжалигини бошқариш услубларини жуда секин ўзгартирмоқдалар. Улар ишида сансоларлик, расмиятчилик барҳам топмаган, марказий аппарат ва маҳаллий идораларнинг вазифалари ўзгармаган ва эскича услубда ишламоқдалар. Қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари билан ўзаро муносабатларини такомиллаштириш, молия-кредит алоқалари масалалари диққат-эътибордан четда қолмоқда.

Ўтказилаётган ислоҳотнинг самарадорлигини таъминлаш мақсадида қуйидаги ишларни амалга ошириш зарур:

а) Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Ўзмевасабзавотузумсаноат» концерни расмиятчиликдан кескин воз кечишлари ички ишлаб чиқариш муносабатларини ва туман, вилоят ва республика бўйича қишлоқ хўжалигини бошқариш идоралари тизимларини бозор иқтисодиёти талабларига мослаштиришлари керак. Хўжаликларда ортиқча бўғинлар олиб ташланиши, бошқарув аппарати қисқартирилиши зарур;

б) Молия вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Ўзмевасабзавотуз у м с а ноат» концерни билан биргаликда хўжалик ва корхоналарнинг зарар кўриб ишлаётгани сабабларини таҳлил қилишлари, 1994 йил 1 мартгача улар иқтисодиётини яхшилаш юзасидан таклифлар киритишлари керак. Бунда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг айрим турлари харид нархларини қайта кўриб чиқиш, хўжаликларни тугатиш, ишловчилар сонини қисқартириш, мураккаб ер—иқлим шароитида ишлаётган қишлоқ хўжалик корхоналари учун имтиёзлар белгилаш назарда тутилади;

в) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва «Ўзмевасабзавотузумсаноат» концерни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда 1994 йилда иқтисодий ислоҳотни чуқурлаштириш дастурини ишлаб чиқишлари ва тасдиқлаб олишлари керак. Бунда давлат хўжаликларининг қолган қисмини, юқори рентабелли давлат хўжаликларидан ташқари, хўжалик юритишнинг бошқа шаклларига айлантириш, фермер хўжаликларига ер ажратиш ҳамда янги иш жойларини ташкил этиш назарда тутилиши керак.

• ХДП: сиёсий ташкилот нуфузи

ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ПЛЕНУМИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Самарқанд вилоят кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди.

Ш. Ғиёсов озиқ-овқат техникумига директор, В. Шермуҳаммедов эса вилоят ҳокимиятига бўлим мудири, этиб тайинланганлиги муносабати билан вилоят партия кенгашининг биринчи ва иккинчи котиби вазифаларидан ҳамда кенгаш ижроия бюроси аъзолигидан озод этилдилар. Пленум қатнашчилари ўтган қисқа муддат ичида партияни тиклаш жараёнидаги самарали меҳнатлари учун уларга миннатдорчилик билдирдилар.

Ҳозирга қадар вилоят ҳокимияти ташкилий ва кадрлар билан ишлаш бўлими мудири вазифасида ишлаб келган Йўлдош Суюнов вилоят партия кенгашининг биринчи, вилоят Ёшлар Қўмитасининг биринчи котиби Бўрибой Бўронов эса иккинчи котиб этиб сайландилар.

Пленумда Ўзбекистон Халқ Демократик партияси Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. Расулов қатнашди ва маъруза қилди.

Шунингдек, пленумда Самарқанд вилоят ҳокими П. Абдураҳмонов, Самарқанд шаҳар ҳокими, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитаси аъзоси А. Носиров, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби А. Мирқосимов, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасининг биринчи котиби А. Тешабоев иштирок этдилар.

Фармон ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Меҳнат қилган ардоқда

Партиявий ишда етарли тажриба орттирган, муҳандислик мутахассислигига эга Мамараим Кўчаров Яккабоғ туман техника созлаш ва ишлаб чиқариш корхонасига раҳбарликка тайинлангач, фаолиятини одамларга ғамхўрлик қилиш, қўшимча иш жойлари ҳозирлашдан бошлаган эди. Мана, орадан икки ярим йил ўтди. Туман партия кенгаши аъзоси М. Кўчаров шу қисқа даврда бошланғич партия ташкилотига таяниб, анча-мунча ишларни амалга оширди.

Эришилган муваффақиятлар оддий рақамларда ҳам кўзга ташланади. Биргина ўтган йилда ишлаб чиқариш режаси 150 фоизга бажарилди. Вилоят бўйича пахта териш агрегатларининг аппарати Яккабоғда таъмирланадиган бўлди. Баҳористон, Усмон Юсупов, Касби, Қарши туманларидан ҳам терим машиналарини таъмирлашни сўраб мижозлар келишмоқда.

Кўп иш тадбиркорликка боғлиқ экан. Корхона директори М. Кўчаровнинг тадбиркорлиги туфайли бу ерда бир қатор кичик корхоналар очилди. Шулардан бири «Т—40» тракторларини таъмирлайдиган кичик корхонадир. Кичик корхонада бор-йўғи 12 киши меҳнат қилаётир. Улар Россиянинг Владимир, Липецк шаҳарларидаги тракторсозлик заводлари билан мустаҳкам алоқа боғлаб ишламоқдалар. Шунга кўра эҳтиёт қисмларга эҳтиёж сезилмайди. Кейинги икки ойда 25 та трактор сифатли таъмирланди.

Енгил автомашиналарга техник хизмат кўратадиган кичик корхонанинг иши ҳам диққатга сазовор. Бу ерда уч киши ишлаяпти, холос. Шунингдек, тикувчилик, консерва цехларида тайёрланаётган буюм ва маҳсулотлар дўконларда туриб қолмаяпти. Улар сифатли ва харидоргирдир.

Созлаш ва ишлаб чиқариш корхонаси маъмурияти ва партия ташкилоти ташаббуси билан ўтган йили хайрли бир ишга қўл урилди. Ишчан муҳандис Тўлқин Каримов раҳбарлигида хонадонларни газлаштириш билан шуғулланадиган кичик корхона иш бошлади. Кичик корхона жамоасининг ғайрати билан қисқа вақт ичида туман марказида икки километр масофага табиий газ қувури тортилди. Олти ой давомида юздан зиёд хонадон баҳрамланд бўлди.

Бу албатта иқтисодий ислоҳот талабларидан келиб чиқиб амалга оширилган ишлар. ХДП аъзоси Мамараим Кўчаровнинг одамларга ғамхўрлигининг мисоллари жуда кўп. Кенгашли тўй тарқамас, деганларидек партия ва касаба уюшма ташкилотлари раҳбарлари билан ўзаро маслаҳатлашиб ишчиларни ижтимоий ҳимоялашга жиддий эътибор берилмоқда. Яқинда ҳар бир ишчига 50 килограммдан арзон нархда дон, гўшт, консерва маҳсулотлари, лимон берилди. Айнан шу нарсалар корхона меҳнат фахрийларига бепул тарқатилди.

Раҳбарият тўйларни, шодиёна кунларни ўтказишга доимо бош-қош. Фахрийликка кузатиш, туғилган кунлар улар ёрдамида, иштирокида тантанали нишонланаяпти. Яқинда корхонага кўп йиллик меҳнати сингган кишилардан Пирим Ашуров, Тошпўлат Жамолов, Ҳасан Кенжаев, Шарофат Исҳоқова-лар фахрийликка кузатилди. Шу куни бутун жамоага корхона ҳисобидан дастурхонларга ош тортилди. Бундан ташқари, фахрийларнинг ҳар бирига тўн ва бошқа сарупоялар кийгизилиб, 20 минг сўмдан ёрдам пули ҳам берилди. Ўшанда фахрийликка кузатилган ишчилар дил сўзларини изҳор этдилар.

— Меҳнат қилган ардоқда, — дейди собиқ шофёр Пирим Ашуров. — Хайрият, 44 йиллик меҳнатим зое кетмапти. Иззат-ҳурмат билан пенсияга чиқаётганим учун директоримиз Мамараим Кўчаров, партия ташкилоти котиби Йўлдош Мусурмонов ва аҳил жамоамизга ташаккур изҳор этаман.

Биз корхона раҳбарининг фикрини билмоқчи бўлдик.

— Шу йўналишда биз ишни давом эттирамиз, — дейди корхона бош директори М. Кўчаров. — Устозлар фахрийликка чиқиб дастгоҳларни шогирд ёшлар эгаллашяпти. Эртанги кунда улар ҳам мураббийлик қилишади. Асосий мақсад меҳнатни тўғри ва ҳалол уюштиришга, унинг самарасини жамоа сезишига қаратилмоқда. Тамбаллик, боқимандалик бизга ёт. Чинакам меҳнат қилган инсон улуғланадиган давр келди...

Мусо КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЁШЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ўз олдига Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи билан ҳамкорликда ишлаш, ёшлар, улардаги муаммоларни ечишда биргаликда ҳаракат қилишни мақсад қилиб олган. Шу боис ҳам Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши вакиллари К. Жуманиёзов, Я. Уманскийлар Тошкент вилояти туманлари Ёшлар Иттифоқи қўмиталарининг биринчи котиблари, Республика Ёшлар Иттифоқининг XXVI қурултойига вилоятдан делегат бўлиб сайланган фаол ёшлар билан учрашишди.

Ўзаро фойдали мулоқотнинг негизи «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида»ги Қонун ва бўлғуси сайловга тайёргарликнинг бориши ҳақида бўлди. Учрашувда ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди.

Улар сайловда асосан нималарга эътибор бериш, қонундан келиб чиқиб кимларни Олий мажлис ноиблигига сайлаш ҳақида ўзаро фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Учрашувда шу нарса маълум бўлдики, ҳали ҳам ёшларимизда дадиллик, ўзининг мустақил фикрини очиқ айта олиш қобилиятлари етишмайди.

Дарҳақиқат, бугунги ёшлар республикамиздаги ишлаб чиқаришнинг турли жабҳаларида меҳнат қилсада, қонунларимизга, уларнинг жойларда ҳаётга тадбиқ этилишига бефарқ бўлмасликлари керак. Шунда Президентимиз айтганидек, келажаги буюк мамлакат ишончли ёшлар қўлида бўлишига ҳеч қандай шубҳа қолмайди.

Эркин ЭСИРГАДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СУРАТЛАРДА: йиғилишдан лавҳалар.

А. ТЎРАЕВ олган суратлар.

«Ўзбекистон овози» таништиради

Йўлдош СУЮНОВ, 1952 йилда Пастдарғомдаги Қайирма қишлоғида туғилган. Меҳнат фаолиятини 1973 йилда Самарқанд туман «Шарқ тонги» рўзномасида мухбирликдан бошлаган. Вилоят ижроия комитети капитал қурилиш бўлимида ҳуқуқ-маслаҳатчи, халқ маорифи бошқармаси инспектори, вилоят ижроия комитетининг умумий бўлими мудири, сўнг халқ нозирлари вилоят кенгаши ташкилий ишлар бўлими мудири вазифаларида меҳнат қилди.

У 1973 йилда Самарқанд педагогика институтини, 1988 йилда эса Москва ҳуқуқшунослик институтини тамомлаган.

Бўрибой БЎРОНОВ, 1959 йилда Ургутдаги Ишчан қишлоғида туғилган. Меҳнат фаолиятини Ургут туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигида деҳқончиликдан бошлаган. Самарқанд Давлат университетини тамомлагач, 1983 йилдан туман ахборот-ҳисоблаш марказида мухандис, вилоят Ёшлар Иттифоқи қўмитасида бўлим мудири ва бошқа бўлимларда 1992 йилдан буён эса Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи вилоят қўмитасининг биринчи котиби, вилоят ҳокимининг ёшлар сиёсати бўйича жамоатчилик асосидаги ўринбосари вазифаларида фаолият кўрсатган.

янгиликлар Воқеалар хабарлар

„Биз ким, мулки Турон...“

ЯНГИ ТЕХНИКА ВОСИТАСИ

ДУШАНБЕ. «Фарҳанг» кичик корхонаси қимматбаҳо тошларни қайта ишлайдиган қурилма яратди.

Тожикистон Фанлар академияси ва техника университети олимлари бу ишга катта ҳисса қўшдилар. Ҳозир кичик корхона буюртмалар асосида янги техника воситасини ишлаб чиқармоқда.

«ГРАНИТ» МАМЛАКАТНИ ЕШАРТИРАДИ

АЛМАТИ. Қозоғистон пойтахтида МДҲ мамлакатларида тенги йўқ пардозлаш кошинларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Бундан бир йил муқаддам «Гранит» ишлаб чиқариш бирлашмаси тузилган эди. Италия фирмасининг берган қарз валютаси эвазига иккита технологик линия сотиб олинди. Улар биноларни пардозлаш, янгилаш ва ташқи чиройини яна ҳам очадиган силлиқ сирланган мармар ва тош кошинларини ишлаб чиқариш имконини беради. Корхона бир йилда 110 минг квадрат метр маҳсулот ишлаб чиқаради.

ВАЗИЯТНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШ

ДУШАНБЕ. Тожикистон Республикаси Олий Кенгаши Президиуми Душанбе ва бир қатор минтақаларда фавқулодда ҳолат тартиби ҳаракати муддатини яна ярим йилга узайтирди.

Бу — вазиятни янада барқарорлаштириш, қонунчилик; ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини сақлаш мақсадида амалга оширилмоқда.

ПРЕЗИДЕНТЛИК МУДДАТИ УЗАЙДИ

АШГАБАТ. Сапармурод Ниёзов Туркманистоннинг Президенти лавозимида яна камида 2003 йилгача қолдирган бўлди. Ўтган ҳафтада ўтказилган умумхалқ референдумининг натижаси ана шундай.

Сапармурод Ниёзов Туркманистонга саккиз йилдан бери бошчилик қилиб келмоқда. Кейинги уч йил мобайнида у икки марта ўзининг номзодини Президент сайловларига қўйди. Сайлов комиссиясининг ҳисоб-китобларига қараганда, биринчи марта 1991 йилда унга сайловчиларнинг 98,3 фоизи овоз берган бўлса, иккинчи марта — орадан бир йил ўтгандан кейин 99,5 фоиз сайловчилар овоз берди.

ЯНГИ ЛИЦЕЙ ОЧИЛДИ

ДУШАНБЕ. Тожикистоннинг Турсунзода шаҳрида турк лицейи фаолият кўрсатаётганига икки йил бўляпти.

Яқинда Душанбе шаҳрида ҳам турк лицейи очилди. Унда 150 нафар талаба ўқимоқда. Лицей қошида ташкил этилган иқтисодий коллежда эса 100 нафар ўқувчи таҳсил ола бошлади. Унда маҳаллий муаллимлар билан бирга 22 нафар туркиялик ўқитувчи ва тарбиячи ишламоқда. Харажатларни Туркиянинг «Озал Шелали» ширкати ўз зиммасига олган. Бундай билим масканларини республиканинг бошқа шаҳарларида ҳам ташкил этиш мўлжалланмоқда.

КАСАБАЧИЛАР АНЖУМАНИ

АЛМАТИ. Бу ерда Қозоғистон касаба уюшмалари федерациясининг навбатдан ташқари съезди бўлиб ўтди.

Анжуманда ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий вазият муҳокама этилди, янгича шароитда федерациянинг стратегия ва тактикаси аниқлаб олинди. Низомга ўзгартишлар киритилди, Қозоғистон касаба уюшмаларининг барча асосий ҳужжатлари ўзгарди.

Касаба уюшмалари республикада меҳнат жамоаларида бошланғич ташкилотларининг кенг тармоғини, оддий фуқароларнинг ақл-заковатига таъсир кўрсата оладиган ягона жамоат ташкилоти сифатида ўзининг моҳиятини сақлаб қолди. Ҳозирда кайфият хотиржамликдан йироқ: кечагина Қозоғистонда бир қатор зарур товарларнинг нархлари эркин қўйиб юборилди.

Бошланган йил, шубҳасиз Қозоғистоннинг янги тарихида мураккаб йиллардан бири бўлади. Касаба уюшмалари шунга қарамай, ижтимоий кафолатларни қарор топтиришга ҳаракат қиладилар, бугунги турмуш даражасини ушлаб қолишга бел боғлайдилар.

ТУМАН НОМИ ЎЗГАРДИ

ДУШАНБЕ. Тожикистонда давлат ва жамоат арбоби Жаббор Расулов номи ҳурмат билан тилга олинади.

Республика Олий Кенгаши қарори билан Ленинобод вилоятидаги Пролетар туманига Жаббор Расулов номи берилди. Туман аҳолиси бу қарорни мамнуният билан кутиб олди.

АХЛОҚ— ОДОБ ПЕШВОЛАРИ

АШГАБАТ. Яқин келгусида Туркманистон миллатининг соғлиғи ва ахлоқий қиёфаси тўғрисида ғамхўрлик қилиш нуроний кексалар—оқсоқолларнинг зиммасига юклатилиши мўлжалланмоқда.

Бу фикр мамлакат Президенти Сапармурод Ниёзовдан чиққан бўлиб, ахлоқсизликка ва халқнинг одоб—муомаласига зид бўлган барча иллатларга қарши умумхалқ курашини бошлашга даъват этмоқда.

ҚИРҒИЗИСТОН ГЕРБИ ЯРАТИЛДИ

БИШКЕК. Қирғизистон мустақиллиги эълон қилинган кундан бошлаб ўтган икки ярим йил мобайнида ниҳоят мамлакатнинг мустақил герби пайдо бўлди.

Унда тоғ бургутининг қуёшнинг эрталабки таралаётган нурлари сабосида ферузасимон ялтироқ Иссиққўл ва Тангри тоғнинг оппоқ қорли чўққилари узра қанот қоқаётганлиги тасвирланган. Гербнинг муаллифлари Норин вилояти милицияси бошлиғи ва умумий ўрта мактаблардан бирининг раҳбари бу ижодлари учун бир миллион сомдан мукофот олдилар.

(Марказий Осиё ахборот агентликлари ва рўзномаларидан олинди).

ИҚТИСОД. ИСЛОҲОТ. ИЖОБАТ

ИШТИЁҚМАНДГА ИШ ТОПИЛАДИ

Ғиждувон — Бухоро вилоятининг аҳоли зич яшайдиган туманларидан бири. Бу ерда қарийб 170 минг аҳоли истиқомат қилади. Туманда саноат корхоналари тармоғи кенгаяётган, аҳолининг катта қисми деҳқончилик, чорвачилик билан банд бўлган, ҳунармандчилик ривож топаётган бир пайтда иш излаб юрганлар ҳам оз эмас.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасида баён этилганидек, ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир. Ҳўш бу борада туманда қандай тадбирлар амалга ошириляпти.

— Президентимиз бошчилигида аҳолини ижтимоий муҳофазалаш ,фуқароларни иш билан таъминлаш борасида қатор тадбирлар амалга оширияпти, бундан аҳолининг турли табақалари кенг баҳраманд бўляпти, — дейди биз билан суҳбатда туман ҳокимлиги ҳузуридаги меҳнат бўлими бошлиғи Баҳриддин Одилов. — Жамоамиз бутун диққат эътиборни иш билан банд бўлмаган аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонуннинг бажарилишини назорат қилишга қаратмоқда.

Ўтган йили туманда аҳолини иш билан таъминлаш борасида дадил қадамлар ташланди. Ишсиз юрган 12 мингдан зиёд фуқаро (бу меҳнат ресурсларининг 17 фоизини ташкил этади) бизга мурожаат қилди. Уларнинг 600 дан зиёдроғи тумандаги корхона, муассаса ва ташкилотларга ишга жойлаштирилди.

Дарҳақиқат, меҳнат бўлими ташкил этилган кундан бошлаб ўз имкониятлари доирасида фаолият кўрсатмоқда. Ишсиз деб рўйхатга олинган 12 минг кишининг кўпчилигини болалари тарбияси билан машғул бўлган оналар, ҳомиладорлик таътилидаги аёллар ташкил этади. Аёллардан 335 нафари меҳнат билан таъминландики, бу — оилаларга бозор иқтисодиёти шароитида катта мадад бўлди.

Тумандаги Алишер Навоий номли, Саттор Жабборов номли, «Оқ олтин», «Зарафшон» хўжаликлари, туман маҳаллий саноат комбинатининг Зафарободда очган гилам тўқиш цехлари, зардўзлик кичик корхонаси, чоғроқ ғишт заводлари, консерва корхонасига анчагина ишсизлар жойлаштирилди. Туманда 60 та якка деҳқон хўжалиги, 70 дан зиёд тадбиркорлик корхоналари ташкил этилиб, уларда 1500 нафар фуқаро ишлай бошлади. Айни кунда якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчилар тармоғи ҳам кенгайтириляпти. Уларда ҳозир 1344 киши фаол меҳнат билан банд.

Меҳнат бўлими ҳузурида ижтимоий муҳофазалаш комиссияси ишлаб турибди. Улар иш сўраб, мурожаат қилганларнинг ҳужжатларини диққат билан ўрганадилар. Фуқароларга дастлабки иш таклиф қилинади. Таклиф этилган иккита мақбул ишни фуқаро рад этса, у ишсизлар сафидан ўчирилади. Ёки таклиф этилган ишга фуқаронинг касби, мутахассислиги мос келмаса, унда янги касб ўрганиш маслаҳат берилади. Ёки вақтинча ишларга жалб этилади. Бундай ишларни 2-4 ойга шартнома асосида жамоа хўжаликлари ташкил этмоқда.

Ўтган йили туман ҳокими Зариф Шарипов ташаббуси билан «Иш билан таъминлаш» дастури ишлаб чиқилди ва у ҳаётга татбиқ этиляпти. Дастурга мувофиқ, ўтган йилнинг иккинчи ярмида 3953 та янги иш жойи очиш мўлжалланганди. Ҳозиргача 2489 иш жойи очилди. Сир эмас, кўпгина саноат корхоналарида бўш ишчи ўринлари бор. Ана шу иш жойларига ишчиларни жойлаштириш давом этаётган бўлса-да, қийинчиликлар ҳам оз эмас. Ишсиз фуқароларга касб-кор ўргатиш тадбирлари кўрилаётир. «Зарафшон», «Ўзбекистон», Абдуҳолиқ Ғиждувоний номли жамоа хўжаликларида, ип йигирув ва тўқув фабрикасида тўқувчилик, зардўзлик касблари ёшларга қунт билан ўргатилаётир. Аҳоли зич жойлашган Зафаробод қўрғонида ҳам янги йилдан бошлаб бундай хайрли ишга дадил киришилди. Бугунги кунда савдо тармоқларида пайдо бўлган харидоргир гилам ва поёндозлар тўқиш, зардўзи тўппи, тўн тикиш— булар ғиждувонлик қизлар меҳнатининг намуналаридир.

Шуни таъкидлаш керакки, «Иш билан таъминлаш» дастурида қўшма корхоналар очиш ҳам назарда тутилган. Бу борада туман ҳокимлиги ва унинг меҳнат бўлими узоқни кўзлаб ҳаракат бошлади. Ғиждувонда кўплаб янги қўшма ва кичик корхоналар маҳсулот бера бошлади. Шу тариқа кўплаб ёшлар янги касбларни эгаллаб, ишсизларга эса меҳнат қилиш учун тўкис шароитлар яратилади.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Наманган туманидаги «Соҳибкор» жамоа хўжалиги азалдан мева-сабзавот етиштиришга ихтисослашган. Бу ерга хоҳ ёзда, хоҳ қишда борсангиз ҳам сархил мева ва сабзавот маҳсулотлари эл дастурхонига пешма-пеш жўнатилаётганининг гувоҳи бўласиз.

«Соҳибкор»ликлар учун ўтган йил файзли келди. Қарийб 12 минг тонна полиз ва сабзавот, 184 тонна мева маҳсулотлари тайёрланди. Айни шу кунларда ҳам хўжаликда иш қизғин. Беш гектарлик иссиқхонада помидор, бодринг, редиска, ошқўк ва лимонлар етиштирилмоқда. Иссиқхона хўжалигининг Муродилла Шодиев, Ҳамид Собиров, Мусо Шодиев, Собиржон Нишонов бошлиқ бригада аъзолари ҳозиргача савдо шохобчаларига 50 тоннадан знёд сархил табиат инъомларини етказиб беришди.

СУРАТДА: иссиқхона хўжалиги раҳбари Ш. Нуриддинов ишчилар Ў. Пўлатова, Н. Султонова, М. Исоқовалар билан помидор ҳосили сифатини кўздан кечиришаяпти.

П. АКБАРОВ олган сурат.

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЯГОНА

Қарши даштида Марказий Осиёда ягона Толлимаржон ГРЭСи барпо этилмоқда. У йилига 3,2 миллион киловатт электр энергия ҳосил қилиб, мамлакат халқ хўжалигига беради. Бу Фарҳод ГЭСи қувватидан 27 марта кўп, демакдир.

Шуниси диққатга сазоворки, ГРЭСнинг жами қуввати билан Қарши машина магистрал каналидаги улкан насос станцияларидан 40 тасини бемалол ҳаракатга келтириш мумкин, Нур булоғини хом-ашё билан «Шўртангаз» конлари бошқармаси таъминлаб туради. ГРЭСнинг дастлабки энергия блокини жорий йилда ишга тушириш мўлжалланмоқда.

Бепоён дашт бағрида вужудга келаётган мазкур йирик иншоот мамлакатимиз истиқлоли учун хизмат қилади. Шунинг учун ҳам ГРЭС ёнида кўплаб турар-жойлар, маданий-маиший объектлар вужудга келаётир. Бу ерда 30 минг киши истиқомат қиладиган Нуристон посёлкаси тикланмоқда. Кенг ва равон кўчалардаги замонавий универсал дўкон, мактаб, болалар боғчаси, маиший хизмат уйи, ошхона, кутубхоналар, кинотеатр, радиоузел, автомат телефон станцияси шаҳарчадаги кўп қаватли турар-жойларга уйғунлашиб кетган. Яна шундай қурилишлар жадал давом этмоқда.

ГРЭСнинг бош корпусидан ташқари ёрдамчи, маиший инженерлик иншоотлари, саноат ишлаб чиқариш бинолари, буғ тайёрлаш қозонхонаси, темир йўл тармоғи, хўжалик омбори, сув совутиш ҳавзалари каби юздан зиёд иншоот қурилди ва қурилмоқда.

Нур булоғининг Шўртан «зангори олови»дан ишлаши катта иқтисодий аҳамиятга эга. Магистрал қувур орқали бу ерга йилига 5,2 миллиард кубометр табиий газ оқиб туради. Бу энг арзон ва қулай хом ашё ҳисобланади.

Улкан иншоот қурилиши Абдурасул Бозоров бошлиқ «Толлимаржон ГРЭС қурилиш» бошқармаси бинокорлари зиммасига юклатилган. Мазкур қурилиш ташкилоти бунёдкорлик ишлари бошланғандан бери йирик ҳажмдаги ишларни амалга оширди. Уларнинг ғайрати туфайли биринчи энергоблок ҳозир битиш арафасида. Иншоотга 210 минг кубометрдан зиёд темир-бетон қоришма, 70 минг тоннадан кўпроқ ҳар хил ўлчовдаги арматура сарфланди.

Бошқарма бунёдкорлари меҳнати таҳсинга сазовор. Айниқса, Владислав Южалкин, Тўйчи Орзиев, Володя Ферсов, Ваҳоб Ҳамидов, Абдурасул Абдуназаров, Сергей Золотарев бошлиқ монтажчи ва бетончилар бригадалари ГРЭС билан боғлиқ қурилишларда намуна кўрсатиб ишлашмоқда. Кўпчилик Халқ демократик партияси Қашқадарё вилоят кенгаши ижроия бюроси аъзоси Владислав Южалкин бошлиқ комплекс ишлар бригадаси аъзолари ҳақида фахр билан сўзлайди. Улар энергоблок пойдеворини қурганлардан бири.

ГРЭС қурилишида йигирмадан зиёд ёрдамчи ташкилот ҳам фаол қатнашмоқда. «Ўзбекгидроэнергострой» трестига қарашли махсус ишлар бошқармаси, «Чорвоқ ГРЭСстрой», «Тошгрэсстрой» бошқармаларининг қурилиш участкалари бинокорлари ҳиммати билан газ тутуни чиқадиган, баландлиги 270 метрли осмонўпар минора тикланди. Унинг пойдеворига 2 минг 206 тонна, тикланиши учун ҳаммаси бўлиб 6 минг тонна металл-арматура сарфланди. 100 минг квадрат метр уй-жой, иккита болалар боғчаси, 150 ўринли поликлиника, бешта ошхона, кафе ишга тушди. Нон комбинати, ҳаммом, чойхона тикланмоқда.

Яқинда Қарши чўли бўйлаб хушхабар тарқалди. ГРЭСнинг марказий қозонхонасида турбогенераторга соатига 2 минг 400 тонна буғни 540 даража иссиқликда етказиб берадиган дастлабки қозон монтаж қилинди. Умумий оғирлиги 7200 тонна келадиган қозонни монтаж қилиш ишларини «Мосэнергомонтаж» трестининг малакали мутахассислари амалга оширдилар.

— Ишларимизда ютуқлар билан бирга жузъий камчиликлар ҳам бор, — дейди «Толлимаржон ГРЭС қурилиш» бошқармаси бошлиғи Абдурасул Бозоров. Тўртта энергоблокнинг дастлабкисини ҳадемай фойдаланишга топширишимиз керак. Лекин, ҳозирча мураккаб ускуналарни монтаж қиладиган етакчи мутахассислар етишмаслиги сезилмоқда.

Айрим қурилиш ташкилотлари сусткашлик кўрсатяптилар, зиммаларидаги топшириқни тўла-тўкис уддалай олмаяптилар. Бунга мисол қилиб, Ўрта Осиё энергомонтаж бошқармасининг Толлимаржон участкасини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Кўзда тутилган ишлар бажарилиши кечикмоқда.

Мусо КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• Янгиликлар, Воқеалар, Хабарлар

ЯНГИ ХАЗИНА

● Самарқанд вилоят марказий банкининг янги биносини чиндан ҳам хазина, дейиш мумкин.

Аввалambор, бинонинг ўзи миллий нақшлар асосида қўшқаватли қилиб қурилди. «Самарқандхимстрой» трести бинокорлари уни Регистондаги обидаларнинг замонавий кўринишига ўхшатишга ҳаракат қилганлар. Рассом В. Ивановнинг ўймакорлик ишлари, Б. Сатторов бошлиқ гуруҳнинг нақшлари эътиборни жалб этади.

— Албатта, гап бинода эмас, — дейди марказий банк бошқаруви раиси Ж. Сайфуддинов. — Бу ерда иш жараёни уч мартага кўпайди. Учта қўшимча касса очдик. Замонавий ҳисоблаш техникаси ва компьютерлар ўрнатганимиз туфайли операциялар муддати анча қисқарди. Бундан ташқари, бинода четдан келадиган банкчиларни қабул қилиш, музокара олиб бориш учун ҳам шароит яратилган.

Шуни айтиш керакки, қурувчилар банк биносини режадаги уч йил ўрнига 8 ойда фойдаланишга топширишди. Йил охиригача эса бино ёнида шу муассаса ходимлари учун 32 хонали уй-жой қад кўтаради.

Банкнинг янги биносини фойдаланишга топшириш маросимида вилоят ҳокими П. Абдураҳмонов, Самарқанд шаҳар ҳокими А. Носиров иштирок этдилар.

Фармон ТОШЕВ,
Самарқанд вилояти.

ИЧКИ ИМКОНИЯТ ЭВАЗИГА

«Шарқ юлдузи» жамоа хўжалиги пахта, мева, сабзавот ва чорвадан олинаётган соф фойданинг бир қисмини аҳоли эҳтиёжини қондириш, уларни ижтимоий ҳимоялашга сарфлаяпти. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг меҳнаткашларни ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашни яхшилаш тўғрисидаги Фармони бу ерда изчил амалга оширияпти.

Янгиқўрғон тумани газ хўжалиги идораси оловкорлари «Шарқ юлдузи» хўжалигининг буюртмаси билан бир гуруҳ меҳнатчилар хонадонига табиий газ шоҳобчаларини тортган эдилар. Қисқа вақтда 5 километрдан ортиқ шоҳобча қуриб битказилди. Бир йўла 44 оиланинг хонадонига газ ўчоқлари ўрнатилди.

«Қамишоқ» қишлоғига табиий газ келишига бағишланган тантанада «Наманган газ» бошқармаси бошлиғи, Ўзбекистон халқ нойби Зоҳиджон Тожибоев қишлоқ аҳлини қутлай ва арзон ёнилғи етиб келгани билан қизғин муборакбод этди. Шу хўжаликда 50 йилдан ортиқ меҳнат қилган, катта обрў ва эътиборли Иброҳимжон ота Боймирзаев табиий газ машъаласини ёқди. Қишлоқни газлаштириш қизғин давом эттирилмоқда.

АҚЧА ҚИШЛОҒИГА ҲАМ СУВ КЕЛДИ

дейди мамнун ҳолда 70 ёшли отахон Умарали Тўйчиев.

— Бизнинг Поп тумани ҳам сувга сероб эмасди. Айниқса, тоғлик жойга жойлашган Ақча қишлоғимиз аҳли жуда сувдан қийналарди. Кўлмак ва оқинди сувларни қайнатиб истеъмол қилган пайтларимиз бўлган.

Ҳайриятки, Ҳазратибоб кўчасига ҳам сув шоҳобчалари тортилди. Уйғурсой — Ақча оралиғидаги 16 километрли сув тармоғи қурилишининг дастлабки навбати битказилди. Ақчага сув етиб келди.

Дарҳақиқат, Наманган таъмирлаш-қурилиш трести азаматлари 2000 куб метр сув сиғадиган ҳовузни битказишди. Унга сув тўплаб, ақчаликларни мунтазам равишда ичимлик сув билан таъминлашга имкон яратишди. Яна бир шундай ҳовуз барпо этилаётир. Ҳозир «Уйғурсой—Ақча» сув йўлининг иккинчи навбати қурилиши ҳам бошланди. У бу йил ниҳоясига етказилади.

Турғунпўлат СУЛАЙМОНОВ,
Наманган вилояти.

• Табиат ва инсон

Навқирон Навоий шаҳри бугун табиатга бўлган номақбул муносабатдан жабр кўрмоқда. Энг ачинарлиси, бу — Навоийда яшаётган 82 миллат ва элатга мансуб 120 мингдан зиёд халқнинг интиқ, ташна яшаётганидир.

ШАҲАР ЮЗИДАГИ ҚОРА ДОҒЛАР

Хўш, бунга қандай йўл қўйилди. 50-йиллар охирида шаҳарнинг дастлабки пойдевори қўйилаётганда бу ҳақда ўйланганмиди? Йўқ. Чунки, 60, 70-йилларнинг «урра-урра»чилиги, қолаверса турғунлик давридаги марказга бўйсуниш, буйруқбозлик бунга сабаб бўлди. Натижада Навоий XX аср сўнгидаги кимё зонасига, саноати «ривож» топган, энергетикаси «гуркираб» ўсган минтақага айланди. Бугун муболағасиз айтиш мумкинки, мазкур шаҳар нафақат ифлос ҳаво ёки олов халқасига, балки, заҳарлар гирдобига айланган. Нафақат Навоий, балки бу шаҳарга яқин бўлган Навбаҳор, Қизилтепа, Навоий туманлари аҳолиси ҳам табиат мувозанатининг бузилишидан азият чекишмоқда.

Савол туғилиши табиий: замонавий бу шаҳар кўркамлик, ободончилик жиҳатидан, энг муҳими қурилишидаги ўзига хос услублар жиҳатидан бошқа шаҳарлардан ўзиб кетаркан, нега энди унга кимё ва саноат корхоналари бу қадар кўп тиқиштирилди? Бугунги кунда шаҳарда энергия ресурслари ишлаб чиқарадиган 17 йирик, марказлашган корхоналар мавжуд. Булардан энг заҳарлилари Навоий электрлашган кимё корхонаси, «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси, машинасозлик ва цемент заводлари ва Навоий ГРЭСидир. Бу завод ва корхоналар ҳар йили ҳавога тонна-тонналаб заарли, ифлос кимё чиқитларини чиқариб ташламоқда. Натижада аҳоли ўртасида турли юқумли касалликлар, жумладан сариқ касаллиги, камқонлик, нафас қисиш, бола ташлаш, аллергияли тошма, ўпка сили хасталиклари кўпаймоқда. Ҳозирги пайтда шаҳар ҳавоси оксидли азот чанглари билан 2 марта кўп зарарланган. «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасидаги осмонўпар қувурлардан чиқадиган қуюн биргина Навоийда эмас, ҳатто, Маликчўл, Тўдакўл, Ўртачўл сарҳадларига қадар етиб борган. Табиат мусаффолиги ва ҳаво таркибини ўрганувчи гидрометеролог мутахассисларининг таъкидлашича, саноат корхоналари ҳар йили атмосферага ўртача 55—60 минг тонна у ёки бу кўринишдаги заҳарлар чиқараркан.

Бунча миқдордаги заҳар ва ифлос қуюнлар айниқса шаҳарда истиқомат қилувчи фуқароларни, шунингдек, шаҳаролди Маликобод, Тинчлик қўрғонлари, Кармана шаҳри, Темир йўл вокзали аҳолисини жиддий ташвишга солмоқда. Айниқса, Навоий туманидаги Ибн Сино номли, «Ўзбекистон» жамоа хўжаликларида, мазкур хўжаликларнинг «Дўрман», «Туркман», «Айронча» қишлоқларида заҳарланиш даражаси ниҳоятда юқори. Масалан, «Туркман» қишлоғида бирон-бир хонадон йўқки, заҳарланган ҳаводан касаллик орттирмаган бўлса.

Дард устига чипқон, деганларидек, «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва электрлашган кимё корхонаси, кон-металлургия комбинати, машинасозлик заводидан чиқадиган қаттиқ ва ярим суюқ ҳолдаги чиқиндилар, ер ости ва усти ифлос сувларини айтмайсизми? Масалан, электрлашган кимё корхонасининг чиқинди тўпланадиган ҳавзаси Маликчўл ҳудудида бўлиб, унинг умумий майдони 325 гектар майдонни ташкил этади. Унда ҳозиргача 7 миллион тоннадан ортиқ қора суюқ заҳар йиғилган. Келинг, худди шу ўринда айрим далил ва исботларга ҳам мурожаат қилайлик. Қизилтепа туманидаги «Маликчўл» ва Навоий туманидаги «Кармана» давлат хўжалигининг минглаб қўй-қўзилари бор. 1988 — 1993 йиллар давомида мазкур хўжаликларнинг юздан ортиқ моли заҳарланиб, ҳаром ўлди. Бу ҳақда биз ҳатто «Қўйлар нега қувғинда», сарлавҳаси остида «Ўзбекистон овози»да чиқиш ҳам қилган эдик. Бироқ чорва моллари ҳамон қувғинда. Нафақат моллар, балки шу яқин орада пода ёки отар боқаётганлар ҳам турли хасталикларга чалинмоқда.

Афсуски, Маликчўл кенгликларида, Навоий шаҳри яқинида бу сингари заҳархоналар битта эмас, балки бир нечта. Масалан, 170 гектар майдонни ишғол этган кон-металлургия комбинатининг заҳархонаси, қарийб 42 гектар ерни эгаллаган «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасининг чиқитли «сунъий тоғ»и табиатни булғамоқда. Биз кейинги 3—4 йил ичида Орол қисмати, унинг фожиалари хусусида, Навоий шаҳри саноат корхоналарининг зарарли оқибатлари борасида мунтазам ёзаяпмиз, матбуотда кетмакет чиқишлар қилаяпмиз. Бироқ «Экология бузилди», «Табиатдан путур кетди», «Одамлар заҳарланди», дея ҳайқирмайлик бефарқлик, давом этаверди. Назаримда экологик муҳитни яхшилаш, табиат қандай бўлса уни шу хилда келажак авлодга етказиш нафақат журналистларнинг ёки табиатимиз мусаффолиги учун масъул ташкилотларнинг, балки бутун жамоатчиликнинг иши бўлмоғи шарт. Ҳақиқатдан кўз юммаслик керак. Кейинги икки-уч йил ичида аниқроғи Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришгач, қатор кимё корхоналарида, жумладан Навоийдаги саноат корхоналарида ҳам котаран, изофен, фазолон ишлаб чиқариши сингари ўта заарли бўлган цехлар ёпиб қўйилди. Улар ўрнини кенг истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган цехлар, дастгоҳлар эгаллади. Бироқ бу етарли эмас. Негаки азот, аммиак, цемент чанглари, оксидли газлар кам бўлса-да бор экан, шаҳар гирдоб ва олов орасида қолаверади.

Биз кўпроқ заҳарли корхоналарни зарарсизлантириш, уларнинг табиатга бўлган шикастининг олдини олмоғимиз лозим.

ЗАРАФШОНДАН ЗАҲАР ОҚАЯПТИ

Навоий воҳасининг асосий ҳаёт-мамоти, қон томири бу — сержўшқин Зарафшон дарёсидир. Дарёга Зарафшон, деб ном берилиши ҳам бежиз эмас. Чунки илгари тўлиб — тошиб, мавжланиб оққан бу дарё ҳар икки вилоятни, яъни Самарқанду Бухорони бир-бирига чамбарчас боғлаган. Дарёдан оққан зар мисол зилол сув ташналар чанқоғини босган. Нафақат ташналар, бу дарё суви шунингдек, қақроқ саҳро ва биёбонларни, дашту қирларни боғу чаманга, гулу бўстонга айлантирган. Энг қувончлиси, бу —то 60-йилларга қадар мазкур дарёдан ҳар икки вилоят аҳолисига ва суғориладиган ерларига бемалол тоза сув оққан. Ана ўша даврларда дарё қирғоқларида тўқайзор, юлғинзор бўлиб, унда тус-товуқлар, какликлар, беданалар сайраган. Бу сингари яшиллик ва манзара табиат тенглигига, юрт бегуборлигига хизмат қилган.

Хўш, энди-чи? Надоматлар бўлсинки, бир пайтлар лимолим зар оққан Зарафшондан энди лойқа, турли чиқиндиларга тўлиб-тошган заҳар оқаяпти. Бунинг устига бир пайтлар Амуга қуйилиб, Оролга қадар етган дарё суви эндиликда ҳатто Бухорога ҳам етмай Ғиждувон туманидаёқ тугаётир. Нега шундай бўлди? Нима, дарё суви ўз йўналишини ўзгартириб юбордими? Ҳа, ҳамма гап шунда-да! Биз Амударё сингари Зарафшонни ҳам «чапқулоқ» қилишга, унинг сувини қўриқ ерлар тугул, саноат корхоналарига қадар оқишига бел боғлаганмиз. Чунки, тўғридан-тўғри дарё устига қурилган бу энергия манбаи бўлган корхонанинг қувурлари, баҳайбат генераторлари асосан дарё суви билан совутилади. Ишлатилган, ишқорга, турли хил чиқиндиларга тўлган ифлос сув яна қайтадан дарёга ташлаб юборилади. Бу эса дарё сувининг беҳад ифлосланиб, ичишга яроқсиз бўлишига олиб келмоқда. Аслида ГРЭС қувурлари, турбина ва генераторлари метил спирт ҳамда кислоталар билан тозалаб турилади. Демак, уларни совутишда ишлатилган тоза сув нечоғли ифлосланиши ўз-ўзидан маълум.

Сув мутахассисларининг, жумладан гидрогеологлар ва гидрофизикларнинг қайд этишича, бир маротаба фойдаланилиб, дарёга қайта ташлаб юборилган сувда қатъий нормадагидан сульфатлар 6 маротаба, ёнилғи маҳсулотлари 3, магний 2, темир 4, хром 5, мис 26, фенол 4 маротаба кўп экан. Умуман олганда, сувнинг нитратлашиб, минераллашуви 2 баробар ортган. Демак, ГРЭСда ишлатилиб, қайта оқизилган сувни истеъмол қилиш мутлақо ярамайди.

Лекин наилож. Навбаҳор туманидаги «Янгиқўрғон», Охунбобоев номли, Навоий номли, «Зарафшон», Навоий туманидаги «Хазора», Ибн Сино номли жамоа хўжаликлари аҳолиси ҳудди шу заҳарланган сувдан ичишга мажбур. Бундан ташқари суғориладиган ерларнинг айтарли ҳаммаси шу нитратлашиб кетган сув билан суғорилади. Ана шундан бўлса керак, экинлар қуриб, ҳосилига путур етмоқда. Бир пайтлар машҳур бўлган «Хазора» анори, «Бўстон» анжири, тилими тилни ёрадиган «Дўл-дўл» қовун-тарвузлари энди йўқ. Уларнинг ҳаммасини Зарафшоннинг заҳарли суви тамом қилди. Зарафшон дарёси воҳасидаги вужудга келган шу танг ҳолатни, экологик муҳитни яхшилаш мақсадида 1986—1990 йилларда ҳукумат миқёсида қатор қарорлар қабул қилинди. Ҳатто «Дамхўжа — Навоий — Бухоро» қувурли сув йўлига асос солинди. Бироқ Зарафшонни эски ҳолига қайтариш, унинг зилол суви муаффолигини таъминлаш ўз қолича қолаверди. Шундай экан, оқава, чиқинди сувларнинг дарёга қўшилиш олдини олиш ҳақида махсус лойиҳа тайёрлашни республика Сув хўжалиги вазирлиги пайсалга солмаслиги керак.

ХОТИМА

Бизнингча, мустақиллик шарофати, истиқлол шабадаси туфайли эскича қарашларга барҳам берадиган фурсат келди. Биз узоқ йиллар орзиқиб кутган дориломон кунлар бошланди. Шундай экан етти ўлчаб, бир кесишимиз керак. Чунки обдон ўлчаб бичилган тўн асло тор келмаганидек, ўйлаб қилинган иш бугунгидек бир-биридан чигал муаммо ва ташвиш келтириб чиқармайди.

Булғанган табиатимизни, заҳар гирдобига тўлган дарёмизни асли ҳолига келтирайлик! Бу ўринда республика ва вилоят табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмиталари фаоллари ташаббусин ўз қўлларига олмоқлари керак.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

АВЛОДЛАР СЎРОҚҚА ТУТМАЙДИМИ?

МИРЗО УЛУҒБЕК ТАВАЛЛУДИНИНГ 600 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

УЛУҒБЕК АКАДЕМИЯСИ



Мирзо Улуғбек (1394—1449) умумжаҳон цивилизациясининг буюк олими, ўз даврининг маърифатпарвар ва жафокаш шоҳи ҳисоблансада, у барча туронликлар учун алоҳида қадриятга эга. Улуғбек Самарқандан туриб Туронни (Мовароуннаҳрни) 40 йил (1409—1449), темурийлар салтанатини эса олий ҳукмдор сифатида отаси Шоҳруҳ Мирзо вафотидан сўнг 2 йил (1447—1449) бошқарди. Ана шу йиллар ичида Улуғбек Самарқандни дунёга донғи кетган илму-фан, маданият ва маърифат марказига айлантирди. Бобоси Амир Темур, отаси Шоҳруҳ Мирзо каби илм-фан, санъат ва ҳунар аҳлларига ҳомийлик қилибгина қолмасдан, шахсан ўзи ҳам илм ва таълим ишлари билан фаол шуғулланди. Салтанатда аввал қатор мадрасалар, сўнгра дунёда тенги йўқ расадхона қуриб, уларда ўз даврининг таниқли олимларн иштирокида юқори савиядаги таълим ва тадқиқот ишларини олиб борди. Натижада Самарқанд Улуғбек даврида нафақат Туркистоннинг, балки бутун темурийлар салтанатининг йирик илмий-маданий марказларидан бирига айланди. Бу ерда кўплаб таниқли олимлар етишиб чиқди ва улар ўз даврининг нодир кашфиётларини амалга оширдилар. Шунинг учун ҳам XVII—XVIII асрларда яшаб ижод этган машҳур француз олими Волтер Улуғбек бошлиқ Самарқанд олимлари даргоҳини матбуотда илк бор «Самарқанд академияси» деб эътироф этди.

Дарҳақиқат, Улуғбек раҳнамолигидаги Самарқанд олимларининг бу илмий даргоҳи ўз даврида Турон цивилизациясининг навбатдаги олий савияли «Байт-ул ҳикма»си — академиясига айланган эди. Таъкидлаш зарурки, бу ҳақиқатни илк бор фаранг олими тан олди!

Асримизнинг 60-йилларида академик Қори-Ниёзий Улуғбекнинг илмий мероси ва фаолиятини ўрганиб чиқиб, Самарқандда «Улуғбек астрономик мактаби»нинг шаклланганлигини эътироф этди. Аллома олимларимиздан Бўрибой Аҳмедов, Ашраф Аҳмедов, Абдулаҳад Муҳаммаджоновлар эса бу илмий масканни «Улуғбек академияси» деб аташди. Биз ушбу илмий даргоҳни қандай номлаш ҳақида баҳс юритмоқчи эмасмиз. Ушбу мақолада Улуғбек «Байт-ул ҳикма»сининг шаклланиши, унинг таркиби ва ундаги ходимлар сони, «Байт-ул ҳикма»да фаоллик кўрсатган олимлар ва уларнинг илмий ишлари ҳақида фикр юритишни истадик.

Шуни таъкидлаш керакки, Самарқанд «Байт-ул ҳикма»сининг илк куртаклари Улуғбекнинг бобоси Амир Темур давридаёқ шаклана бошлаган эди. Аслида бу улкан илмий даргоҳнинг илдизлари жуда қадим замонларга бориб тақалади. Маълумки, Турон заминида илм-ҳунар, маданият ва фалсафий тафаккур анча эрта шаклланган эди. «Авесто»-дек муқаддас битикда Турон халқларининг қадимий тарихи ва маданияти ўз ифодасини топганлиги фикримизнинг далилидир. Эрамиздан олдинги IV—II асрлардаги оромий ва миххат ёзувлари, Туркистон ҳудудидан топилган VI—VII асрларга тегишли Ўрхун—Энасой алифбосидаги қатор битиклар ҳам бу ерлик халқларнинг қадимдан саводхон бўлганлигидан далолат беради. Араблар истилоси даврига келиб Туроннинг илму, фан аҳллари ва бу ерда яратилган кўплаб қўлёзмалар йўқ қилиб юборилишига қарамасдан, Туркистонда илму фан шуъласи сўнмади.

Бу ўлкада, айниқса, риёзиёт ва фалакиёт илмларига бўлган қизиқиш анча эрта уйғонди. VIII—X асрлардаёқ Муҳаммад Хоразмий, Абу Наср Форобий, Аҳмад Фарғоний, Аҳмад Марвизий каби машҳур олимлар математика ва астрономия бўйича кенг илмий тадқиқотлар олиб бордилар. Уларнинг илмий мероси жаҳон фанига катта ҳисса қўшгани ҳолда туркистонлик издошларининг кейинги изланишларига кенг йўл очиб берди. Айниқса, Хоразмийнинг риёзиётга бағишланган «Алжабр ва ал-муқобала», «Ҳинд арифметикаси ҳақида китоб», илми ҳайъатга доир янги «Астрономик жадваллар», жуғрофияга оид «Ер сурати» каби нодир асарлари ўша давр олимларининг янги кашфиётлари учун асосий манба бўлиб хизмат қилади.

Хоразмий тузган «Зиж» мусулмон олимлари тузган «Зиж»лар ичида энг биринчиси эди. X—XI асрларга келиб Хоразмда маърифатпарвар шоҳ Маъмун раҳнамолигида Гурганжга тўпланган олимлар иштирокида 1010 йили «Донишмандлар уйи» — «Байт-ул ҳикма» ташкил топди. Бу илмий марказ тарихга «Маъмун академияси» деган ном билан кирди. Унинг «президенти» Абу Райҳон Беруний бўлиб, унинг бошчилигида қатор комусий олимлар (Абу Наср ибн Ироқ, ибн Сино, Абу Саҳл Масихий, Абулҳайр ибн Ҳаммор, Абу Фазл Байҳакий ва бошқалар) кўплаб амалий ва илмий муаммоларни ечиб, жаҳон фани ривожига катта ҳисса қўшдилар. Жумладан, Беруний амалга оширган ишлардан бири шу бўлдики, у Хоразм, Кат, Гурганж билан боғлиқ жойлар, шаҳар ва қишлоқларнинг жуғрофий кенгликларини ва улар орасидаги масофаларни аниқлаб, ушбу жойлар туширилган Ер курраси моделини ясади. Бу инсоният тарихида илк бор яратилган ярим шар кўринишидаги ўзига хос глобус эди. Беруний ҳатто ўз тадқиқотларида ҳозирги Америка қитъасининг мавжудлигига илмий ишора қила олган эди.

Ўша даврлардаёқ (X—XIII аср) ўлкада нафақат Хоразм, балки Самарқанд ҳам Туроннинг ривожланган илм-фан марказларидан бирига айланганди. Бу даврда Самарқандда қатор илм-фан ва таълим масканлари, жумладан 17 мадраса, уларга хос кутубхоналар мавжуд бўлиб, уларда замонасининг таниқли олимлари фаолият кўрсатдилар. X—XIII асрларда Самарқандда яшаб, ижод этган мунажжим ва риёзиётчи олимлар Абулфатх Саид Самарқандий (X аср), Шамсиддин Самарқандий, (XIII аср), ҳуқуқшунос олимлар Абулайс Самарқандий, калом илмининг сардори Абулқосим Ҳаким Самарқандий, Абу Мансур Мотуриди Самарқандий (X аср), адабиётшунос Низомн Арузи (XII аср), табиб Ҳамид Муҳаммад (XIII аср),тарихчи Аббос Самарқандий (X аср), Абу Ҳафс Насафий-Самарқандий (XI — XII аср) шундай иқтидорли олимлар жумласидан эди. XI аср вақфномаларидан бирида кўрсатилишича, бу даврда Самарқандда махсус жамоа шифохонаси — «Бимористон» таъсис этилади ва мадраса биноси қурилади. Шифохонада касалларни даволашдан ташқари, талабаларга тиб илмидан амалий машғулотлар ўтказилган бўлса, мадрасада илоҳий илмлар билан бир қаторда адаб ва тиб илмларидан дарслар берилган. XI—XII асрларда яшаб ижод этган Умар Ҳайёмнинг риёзиётга доир асарларининг яратилишида Самарқанд олимларининг ҳам таъсири сезиларли бўлган. Самарқандлик олимлардан Шарафуддин ал-Ҳусайн ва Шамсиддин Муҳаммадлар XIII асрда илми ҳайъат ва риёзиёт фани намоёндалари бўлиб етишганлар. Шарафуддин ал-Ҳусайннинг «Фи тарих ал масоил ал-ададия» («Сонлар ҳақида мисоллар тарихи»), шунингдек, Шамсиддин Самарқандийнинг «Ашкол алтаъсис фи-л-ҳандаса» («Ҳандаса асосларининг тузилиши») каби асарлари Самарқанд мадрасаларининг илму толиблари ва илмга қизиқувчиларга дастуриламал бўлиб хизмат қилган.

Чингизийлар истилоси давридаги Самарқанд илму фан ривожига тегишли маълумотлар йўқ ҳисоби. Лекин айтиш мумкинки, XIV асрнинг иккинчи ярмига келиб Самарқандда айрим мадрасалар яна ишлай бошлаган. Буни 1365 йилдаги сарбадорлар ҳаракатига бош қўшган Самарқанд мадрасасининг талабаси Мавлонзода маълумотига қараб билса бўлади.

Самарқандда маданият, санъат ва илму фан ривожининг кейинги босқичи соҳибқирон Амир Темур ва Темурийлар даврига тўғри келади. XIV аср охири ва XV аср бошларида Темур ва унинг авлодлари Самарқандда бошқа диний муассасалар (масжид, мақбара, хонақоҳлар) қаторида мадрасалар ва кутубхоналар ҳам қурдира бошлади. Ўша даврда Самарқандда қурилган «Бибихоним» ва Муҳаммад Султон мадрасалари фикримизнинг исботидир. Айни пайтда, Темур Самарқандга йирик олимлар, иқтидорли илми толиблар, ҳунар аҳли намоёндалари, шунингдек, нодир асарлар ва китобларни йиға бошлади. Самарқандда тўпланган илмий китоблар ва адабиётлар учун Кўксаройда шоҳона кутубхона ташкил этди. Ўзи эса олиму фузалолар билан тез-тез суҳбатлар, илмий кенгаш ва мунозаралар ўтказиб турди. Ўша даврда Темур ҳомийлигида Самарқандда яшаб ижод этган турли олимлар: Саъдуддин ат-Тафтазоний, Мавлоно Аҳмад, Сайид Шариф Журжоний, Хожа Муҳаммад ал-Бухорий, Хожа Абдулмалик Самарқандий, Мавлоно Убайд, Мавлоно Абдужаббор, Аҳмад Кирмоний, Ҳофизи Абрў, Ғиёсиддин Али, Низомиддин Шомийлар ўз даврининг машҳур олимлари эдилар. Бу олимларнинг кўпчилиги, айни пайтда, Самарқанд мадрасаларида талабаларга таълим берар эдилар. Бу даврга келиб мадрасаларнинг вазифалари ҳам кенгая бориб, улар юқори савияли илм-фан муассасаларига айлантирилди. Уларда энди диний кадрлардан ташқари давлат хизматчилари ва иқтидорли ёш олимлар ҳам тайёрлана бошланди. Ўша даврда Дамашқдан келтирилган ёш илмутолиб Ибн Арабшоҳнинг Самарқанд мадрасаларида таҳсил олиб, таниқли тарихчи олим бўлиб етишганлиги фикримизнинг далилидир.

Бу даврда Самарқанд ва Ҳиротда илму фан аҳлларидан ташқари кўплаб адиблар, шоиру бастакорлар, мусаввирлар, меъмору муҳандислар, бинокору наққошлар, моҳир ҳунармандлар ижод билан банд эдилар. Темур вафотидан (1405 йил) сўнг ҳам уларнинг каттагина қисми Самарқандда қолган эди. Улуғбек Самарқанд тахтига ўтиргач, (1409 йил) бутун билим ва куч-ғайратини Туркистонда осойишталик ўрнатиш, эл-улус маъмурчилиги, илм фан тараққиёти ва маданий-маърифий ишларга бағишлади. Самарқандга Ҳирот, Кошон ва Туркистоннинг ўзга шаҳарларидан иқтидорли олимларни ишга чорлади. Масалан, худди ўша даврда у Ғиёсиддин Жамшидни Самарқандга таклиф қилган эди. Улуғбек Туркистоннинг нуфузли шаҳарлари Самарқанд, Бухоро ва Ғиждувонда янги мадрасалар қуриб уларга замонасининг таниқли олимларидан мударрислар тайин этди. Мақсад — улардаги таълим-тарбия ишларини янги поғонага кўтариб халққа маърифат зиёсини ёйиш эди. Айниқса, Улуғбекнинг Самарқанд мадрасасидаги амалга оширган ислоҳотлари диққатга сазовордир. Мадрасадаги ўрганиладиган фанлар таркибида илоҳий илмлардан ташқари дунёвий ва табиий фанлар: риёзиёт, ҳандаса илми ҳайъат, тиббиёт, тарих, жуғрофия, илми аруз (поэтика), муҳандислик, араб тили ва уларнинг морфологияси (қофия), фалсафа каби фанларга эътибор кучайди. Улуғбек мадрасадаги ўқув муддатини бошқа аксарият мадрасалардаги ўқув муддати (15—16 йил) дан фарқли ўлароқ расман 8 йил деб белгилаб, шунга яраша ўқув режасини ишлаб чиқади. Талабаларни ўқитишда уларни қуйи, ўрта ва юқори гуруҳларга бўлади. Бериладиган стипендияларни уларнинг ўқиш савиясига қараб белгилайди. Шунниси эътиборга лойиқки, мадрасани расмий ўқиш муддати ичида тугатмаган талабаларга стипендия берилмаган.

Улуғбек мадрасада талабаларга савияли таълим бериш билан бир қаторда, мударрисларнинг ўз устида ижодий ишлашларини, фаннинг амалий масалаларн билан ҳам шуғулланишга ундайди. Бу ишларда шахсан ўзи уларга раҳнамо бўлади. Улуғбек ёшлигидан бошлаб қизиққан илмлари: риёзиёт, ҳандаса, жуғрофия, фалакиёт, тарих соҳаларидаги илмий изланишларга кенг ўрин беради. Бу илмлар ўша давр ижтимоий ҳаёти учун ҳам долзарб ҳисобланар эди. Улуғбек Самарқандаги олиму фузалолар билан тез-тез суҳбатлар, илмий мунозаралар ўтказиб турарди. Илм-фан соҳасидаги бу тадбирлар Самарқанд нуфузини кундан-кунга ошириб борар, унинг фақат таълим ўчоғи эмас, балки улкан илм-фан ва маданият марказига айланишига имкон туғдирарди. Замонасининг машҳур адиби Зайниддин Восифий Улуғбек мадрасасининг очилишига бағишланган уламолар йиғинида 90 нафар олим қатнашганлигини, унда мадраса мударрислигига талабгор бўлган шаҳс Мавлоно Муҳаммад Ҳавофийнинг очиқ маърузаси тингланганлиги ва бу маърузанинг юксак илмий савияда ўтганлиги ҳақида ҳикоя қилади. Адиб ўша кенгашда Мирзо Улуғбек ва Қозизода Румий ҳам бўлганлигини ва Мавлоно Ҳавофий мадрасага илк етакчи мударрис этиб тайинланганлигини ёзади. Шундан кейин ҳам турли йилларда мадрасада 10 нафар олимнинг мударрислик қилганлиги ҳақида хабар беради. Улар орасида Қозизода Румий, Ғиёсиддин Жамшид Коший, кейинроқ Али Қушчи, Абдураҳмон Жомийлар бўлганлиги бизга тарихдан маълум.

Улуғбек мадрасадаги таълим ва тадқиқот ишлари билан чегараланмай, илмий кўлам ва имкониятларни янада кенгроқ очишга интилиб, Самарқандда расадхона биносини қуришни мақсад қилади. Бундан шундай хулоса қилишимиз мумкинки, ҳали расадхона қурилмасданоқ Улуғбек Самарқандда бўлажак илмий маскан — «Байт-ул ҳикма» пойдеворига мустаҳкам замин тайёрлаган эди.

Коинотни кузатиш ишлари ва бу соҳадаги илмий-тадқиқотлар мадрасанинг ўзидаёқ бошлаб юборилган дейишга тўла асосимиз бор. Чунки 90 нафар уламо орасида илми ҳайъат ва риёзиёт билан муқим шуғулланувчи олимлар ҳам етарли эди. Лекин илмий ишларни ривожлантириш, олдинга қўйилган илмий-амалий муаммоларга далилий ва ишончли аниқ жавоблар излаш кун тартибига расадхона биносини қуришни кўндаланг қилиб қўйган эди. Улуғбек бошчилигидаги Самарқанд олимларининг кўмагида ўз даврининг тенги йўқ, улкан расадхонаси қуриб битказилди ва энг илғор асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Улуғбекнинг ҳаёти ва илмий фаолиятини чуқур ўрганган академик Қори Ниёзийнинг ёзишича, ўша даврда Самарқандда Улуғбек бошчилигидаги олимлар сони 140 тага етган. Бўрибой Аҳмедов ҳам Улуғбек академиясидаги олимлар сонини 100-дан зиёд бўлган, деб ҳисоблайди. Улар орасида албатта, фаннинг турли соҳаларида қомусий фаолият кўрсатган олимлар бўлган. Бироқ Самарқанд «Байт-ул ҳикма»сидаги асосий ўринни Улуғбек астрономик мактаби ва мадрасада ишловчи олимлар эгаллаган эдилар. Улар қаторида Мирзо Улуғбекдан ташқари, замонасининг етук олимлари — Қозизода Румий, Мавлоно Аҳмад, Ғиёсиддин Жамшид Коший, Муҳаммад Хавофий, Али Қушчи, Абул Али Биржондий, Қозизода Румийнинг набираси Мирим Чалабий, Муниддин Коший, Муҳаммад Олим Самарқандийлар бор эди. Бу олимлардан айримлари ва уларнинг Самарқанд «Байт-ул ҳикма»сида эришган илмий ютуқларига мухтасар тўхтаб ўтамиз.

ҚОЗИЗОДА РУМИЙ. Асли исми Салоҳиддин Мусо бўлиб, 1360 йилда Румда (ҳозирги Туркияда) туғилган. Бошланғич таълимотни ўз юртида олиб, сўнгра, Хуросон ва Туркистон мамлакатлари бўйлаб сафарга чиқади .Амир Темур давридаёқ Самарқанд олимларининг довруғини эшитиб, Самарқандга келади ва умрининг охиригача шу ерда қолади.

Қозизода Румий Самарқандда ўзигача бўлган олимларнинг асарларини ўқиб ўрганади, илм аҳли билан мулоқот қилади. У «Фазоили Румий» — «Румлик донишманд» деган унвонга сазовор бўлади. Шунинг учун ҳам Темур унга ёш Улуғбекнинг тарбиясини ишониб топширган эди. Кейинроқ, Улуғбекнинг ҳукмронлик даврида Қозизода Румий Самарқанд мунажжимлар мактабини тузишда ва уни ривожлантиришда фаол иштирок этди. Улуғбек замонасида Қозизода Румийга «Афлотуни замон», яъни «Ўз замонасининг Афлотуни» деган юксак унвон берилди. Дарҳақиқат, Румий илми ҳайъат ва риёзиёт соҳасида бир қатор ажойиб асарлар, шунингдек, ўзидан олдин ўтган олимларнинг асарларига шарҳлар ёзиб машҳур бўлди. Унинг арифметикага бағишланган «Рисолаи ҳисоб» («Арифметика ҳақида рисола»), юқорида эслатиб ўтилган XIII аср олими Шамсиддин Самарқандийнинг асарига ёзилган шарҳи — «Шарҳи ашкалот-ул-таъсис» («Шакллар асосига шарҳ»), шунингдек, XIV асрда яшаб ижод этган таниқли олим Маъсуд Тафтазонийнинг «Мифтохул улум» («Фан калити») асарига ёзган тўлиқ шарҳи, тригонометрик функцияларга доир «Синус ҳақида рисола» каби асарлари айниқса диққатга сазовордир. Риёзиёт тарихи олимларининг фикрича, Қозизода Румий Шамсиддин Самарқандийнинг асарига ёзган шарҳида унинг тезисларини давом эттириб, асарда Евклиднинг беш постулатини исбот этишга ҳаракат қилган ва бунга маълум маънода эришган ҳам.

Қозизода Румийнинг бу каби илмий ишлари ўз даврида Улуғбек академияси олимлари ва мадрасалари учун қимматли дастур ва қўлланма бўлиб хизмат қилди. Бўрибой Аҳмедовнинг фикрича, Қозизода Румий замонавий ибора билан айтганда, Улуғбек академиясининг «вице президенти» вазифасида ишлаган.

Самарқанд академиясининг яна бир кўзга кўринган намояндаси ҒИЁСИДДИН ЖАМШИД КОШИЙ эди. У асли Хуросоннинг Кошон шаҳридан бўлиб, 1416 йили Улуғбекнинг таклифи билан Самарқандга келганди. Бу ерда у Қозизода Румий билан бирга Улуғбек мадрасаси ва расадхонаси қурилишида фаол қатнашади. Коший айниқса, расадхонанинг астрономик жиҳозларини ҳал қилишда ва унинг қурилишида ўзи мутасаддилик қилган. Расадхона тугагач, бу илмий даргоҳда кенг ижодий ва тадқиқот-кузатув ишларини олиб боради. Коший астрономияга оид «Зижи Ҳоқоний» — «Зижи Элхоний»-нинг такомиллаштирилгани», «Боғлар сайри», «Осмон нарвони» номли ва математикага оид «Хорда ва синус ҳақида рисола», «Ҳисоб калити» ва «Доира ҳақида рисола» каби нодёб асарларни ёзади. Бу асарларида у математикага доир жуда кўп янгиликлар яратади. Жумладан синус ва айлана узунлигининг диаметрига нисбати «П» (пи) сонининг 17 хоналик қийматини шу соҳадаги Оврўпо олимларидан 200 йил илгари топади. Коший дунёда биринчи бўлиб, ўнлик касрни илмий ишларда тадбиқ этади. Шунингдек, у ўзининг «Ҳисоб калити» асарида меъморчилик ва бинокорлик назариясига доир қатор масалаларни ёритиб беради. Кошийнинг замондошлари томонидан «Муҳандислар султони» деб таърифланиши ҳам шу боисдандир. Шундай қилиб, Коший ўз асарларида ўрта аср Шарқ астрономияси, математикаси ва муҳандислик назариясини юқори босқичга кўтаришга катта ҳисса қўшди.

Улуғбек академиясининг яна бир истеъдодли намояндаси АЛОВУДДИН БИН МУҲАММАД АЛИ ҚУШЧИ (1402—1474) эди. У Улуғбек мадрасасини биринчи бўлиб битирганлардан. Энг иқтидорли талабалардан бири бўлган. У Самарқандда ҳовлидор оиласида туғилган. Бошланғич маълумотни ўз отаси ва Самарқанд мударрислари, шунингдек, Қозизода Румийдан олган. 1414 — 1417 йилларда Кармнада бўлиб, Кармана мадрасасида ўқиш йилларида фалсафага доир рисола ёзган. Бу соҳадаги олимларнинг фикрича, ўшанда 15 ёшга кирган Али Қушчининг ушбу рисоласи худди шу муаммога бағишланган XIII асрнинг таниқли олими Насриддин Тусийнинг / рисоласидан ўзининг кенг қамрови ва чуқур тадқиқоти билан ажралиб туради.

1417 йили Али Қушчи Самарқандга қайтиб келади. Бу даврда Самарқандда ажойиб олимлар йиғилишган ва Улуғбек мадрасаси қурилиши бошланган эди. Мадраса қурилиши тугагач, Али Қушчи унда ўқишни давом эттиради. Қозизода Румий, Мавлоно Ҳавофий, Улуғбек, Ғиёсиддин Коший каби олимлардан таълим олади. Али Қушчи мадрасани тез орада иқтидорли тугатгач, уни мударрис лавозимига қолдирадилар. 20 ёшлик мударрис талабаларга илми ҳайъат ва риёзиёт бўйича қизиқарли маърузалар ўқир, ушбу фанлардан илмий изланишлар қилар эди. Орадан уч йил ўтгач (1425 й.) Али Қушчи ўзининг «Рисолаи ҳисоб» («Ҳисоб ҳақида рисола») китобини ёзиб, уни мадраса талабаларига ўқув қўлланмаси тарзида туҳфа этади. Бу асар Туркистоннинг бошқа мадрасаларига ҳам тезда тарқалиб кетади.

Али Қушчи фақат илми ҳайъат, риёзиёт билан чекланиб қолмасдан, айни пайтда, қомусий олим бўлиб етишади. У мадрасада талабаларга аниқ фанлардан ташқари, ижтимоий ва гуманитар фанлардан, жумладан, мантиқ, адабиётшунослик ва ҳуқуқшуносликдан ҳам маъруза қилар эди. Али Қушчи ушбу фанлар бўйича ҳам қатор ўқув қўлланмалари, шарҳлар ёзган. Масалан, 1430 йили у ўзининг «Рисолаи мантиқ» («Мантиқ ҳақида рисола»), «Рисола ал истиорот» («Истиора ҳақида рисола») асарларини ёзади.

Али Қушчининг таълим ва илму фан соҳасидаги беминнат ва жадал суръатлар билан олиб борган ишлари билан яқиндан таниш бўлган Мирзо Улуғбек уни ўз доирасига олади ва натижада Али Қушчи Улуғбекнинг энг яқин ва ишончли шогирдига айланади. Улуғбек Али Қушчини ўз ўғлим, деб билган Али Қушчи расадхона қурилишида ҳам фаол қатнашиб, кейинчалик расадхонадаги илмий-кузатув ва тадқиқот ишларига ҳам сафдош бўлади.

Айни замонда ёш олимга Мирзо Улуғбек бир қанча масъулиятли дипломатик топшириқлар беради. Жумладан, 1429—30 йилларда Али Қушчи Улуғбек топшириғи билан Ҳиротга боради. У ерда Али қушчи Ҳирот мадрасаларидаги иш ва ҳаёт тарзи, ўқув жараёни билан қизиқади. Ҳиротда у ҳали ўшанда ёш Абдураҳмон Жомийни учратиб қолади ва унинг истеъдодини текшириб кўриб, унга Самарқанддаги Улуғбек мадрасасида ўз билимини такомиллаштиришни таклиф қилади. Абдураҳмон Жомий Али Қушчи маслаҳатига кўра ўзининг иқтидорли дўстлари билан Самарқандга ўқишга келади.

Бу ерда шуни таъкидлаш керакки, Улуғбекнинг Али Қушчини Ҳиротга юбориб, Ҳирот мадрасаларидаги таълим-тарбия ишлари билан қизиқиши унинг нафақат пойтахт Самарқандда, балки Темурийлар салтанатининг бошқа илм масканларида ҳам маданий-маърифий ишларни ривожлантирганлигига ишорадир. Улуғбекнинг Бухоро ва Ғиждувондаги мадрасаларига ҳам шахсан ўзи ташриф буюриб, улардаги таълим жараёни, талаба ва мударрислар ҳаёти билан қизиққанлиги ҳам юқоридаги фикримизнинг далилидир.

Али Қушчи Улуғбек билан биргаликда расадхонадаги кузатув ва илмий-тадқиқот ишларини фаол давом эттириб, юлдузларнинг янги жадвалини тузиш бўйича кўп куч сарф этади. Чунки бу даврга келиб уларнинг сафдошлари Қозизода Румий ва Ғиёсиддин Жамшидлар ҳаётдан кўз юмган эдилар. Али Қушчининг фандаги асосий иши — бу Улуғбекнинг юлдузлар жадвалига ёзган мукаммал ҳандасавий шарҳидир. Ана шу шарҳ туфайли Улуғбек астрономик мактабининг бош асари жаҳон илмий жамоасининг сўнмас маҳсулотига айланди.

Улуғбек академиясига тегишли олимлардан яна бири, табиийки, МАВЛОНО МУҲАММАД ХАВОФИЙ эди. У XIV асрнинг иккинчи ярмида Хуросонда туғилган. XV аср бошида Самарқандга келиб ўз билимини оширади ва истеъдодли қомусий олим бўлиб етишади. Шул сабаб у Улуғбек мадрасасининг қурилишида шахсан қатнашган. Хавофий Улуғбек билан мадраса қурилиши тугалланиши арафасида танишади ва ўз ташаббуси билан мадрасага мударрис бўлишни сўраган. Улуғбек Ҳавофий билан яқиндан танишгач (1420 й.), унинг жаъми илмлар бўйича катта олим эканлигини тан олиб, унинг истеъдодига шундай баҳо беради: «Агар борди-ю барча китоб ва рисолаларни дарёга ташласалар ва бирор илмдан оламда асар қолмаса, у барча илмларни ҳаётга қайтара олишга қобилдир. Бунда бирор илмдан ва фандан нуқта ёки дақиқа нобуд бўлмагай (Зайниддин Восифий. «Бадоеъул вақоеъ». Тошкент, 1979, 19-бет). Шуни таъкидлаш керакки, Муҳаммад Хавофий кўпроқ мадрасадаги таълим ишлари билан банд бўлиб, илмий ишларда фаол қатнаша олмаган.

МИРЗО УЛУҒБЕКнинг ўзи эса фанга хизмат қилиш ва илмий тараққиётга нафақат ўз ҳаёти ва билимини, балки подшолик фаолиятини ҳам бағишлаган буюк маърифатпарвар инсон эди! Улуғбек Темурийлар салтанатининг олий ҳукмдори бўлишига қарамасдан, замонасининг буюк қомусий олими бўлишга эришди ва замондошларини ҳам ушбу йўл сари етаклади.

Улуғбек XV асрнинг биринчи ярмида Самарқанд илму осмонидаги энг ёрқин юлдуз бўлиб майдонга чиқди. Бу юлдуз ўз халқини фан ва тараққиёт йўлига чорлади. Улуғбек ҳар бир муслим ва муслимага билим бериш билангина чекланиб қолмасдан, ўз атрофига кўплаб олимларни тўплаб, уларга ҳомийлик қилди. Ва нафақат ҳомийлик қилди, шахсан ўзи ҳам улар билан елкама-елка ишлаб, бир йўла тўртта илм ва маърифат масканида (Самарқанд, Бухоро, Ғиждувон мадрасалари ва расадхонадан) халққа зиё таратди, илмий-кузатув ва тадқиқот ишларини жадал суръатлар билан олиб борди».

XV асрда аниқ фанларнинг, хусусан астрономиянинг равнақи ва Самарқанд «Байт-ул ҳикма»си олимлари қозонган оламшумул муваффақиятларда, айниқса, Улуғбекнинг хизматлари беқиёсдир. Самарқанд расадхонасида олиб борилган кўп йиллик тадқиқотларнинг самараси, Шарқ классик астрономиясининг амалий ва назарий масалаларини ўзида мужассамлантирган ҳамда уни янги далил-исботлар билан бойитган шоҳ асар Улуғбекнинг «Зижи жадиди Кўрагоний» («Кўрагонийнинг янги астрономик жадвали») номли китобидир. Бу асар 1437 йили ёзиб тугалланган бўлсада, унга муаллиф умрининг охирига қадар бажарилган илмий-тадқиқот натижалари асосида тузатишлар ва қўшимчалар киритиб боради.

Улуғбекнинг шоҳ асари асосан икки қисмдан: кенг муқаддима ва 1016 собита юлдузнинг ўрни ҳамда ҳолати аниқлаб берилган жадваллардан иборат. Асарнинг муқаддима қисми астрономиянинг назарий масалалари, шарқона йил ҳисоби усуллари, астрономиянинг амалиётн, планеталар назарияси, астрономия ҳамда астрологня масалаларига бағишланган. Асарнинг иккинчи қисми астрономия ва тригонометриянинг асосий масалаларига бағишланган. Унда учинчи даражали алгебраик тенглама янги услуб билан ечилиб, натижада аниқлиги миллиарддан бир бўлган тўққиз хоналик тригонометрик жадвал тузилган. Улуғбекнинг астрономик жадвали ўша замондаги шунга ўхшаш жадваллар орасида юксак даражадаги аниқлиги билан ажралиб туради. Масалан, фалак ал-бурж текислигининг хатти истивога оғмалиги Улуғбек жадвалида 23 даража 30 дақиқа 17 сонияга тенг бўлиб, ҳозирги ҳисоб бўйича у 23 даража 30 дақиқа ва 49 сонияни ташкил этади. Бу рақамлар орасидаги тафовут жуда кам—минус 32 сонияга тенг, холос. Шунингдек, Улуғбекнинг йил ҳисобини ҳозирги аниқ ҳисоб-китобларга солиштирсак, у бор-йўғи 1 минуту 2 сонияга фарқ қилади. Булар XV аср учун ғоят юксак аниқлик бўлиб, ҳозирги замон ўлчовларига жуда яқиндир.

«Зижи жадиди Кўрагоний»дан ташқари, Улуғбек «Тарихи арбаъ улус» («Тўрт улус тарихи») номли асар ҳамда мусиқа илмига бағишланган рисолалар муаллифи ҳамдир. Унинг «Тарихи арбаъ улус» китоби яқинда ўзбек тилига ўгирилиб, китобхоналарга тақдим этилди. Улуғбек «Зижи» ҳам буюк олим таваллудининг 600 йиллиги арафасида ўзбек китобхоналарига туҳфа этилса ажаб эмас. Шуни таъкидлаш керакки, бу асарларни яратишда нафақат Улуғбекнинг, балки Самарқанд «Байт-ул ҳикма»си олимларининг ҳам ҳиссаси каттадир. Бироқ Улуғбек Самарқанд академияси олимларининг бош сардори, замона зайли билан айтганда унинг «президенти» эди.

Самарқанд академиясининг фаолияти Улуғбек вафотидан кейин ҳам давом этди. Энди унга «Байт-ул ҳикма»нинг масъул котиби Али Қушчи бош бўлди. У ўзининг истеъдодли шогирдлари: Мирим Чалабий, Абул Али Биржондий, Абдуқодир Рўёнийлар билан Улуғбек академиясининг анъаналарини давом эттирди. Мирим Чалабий ва Биржондийлар академия олимлари ишларига ажойиб шарҳлар ёздилар. Бироқ бу илмий фаолият узоққа чўзилмади. Улуғбек вафотидан сўнг ҳомийсидан ажралган Самарқанд академияси олимлари ўзларига маъқул шароитлар излаб ўзга юртларга кетдилар. Али Қушчи аввал Табризда (1453—1464 йй.), сўнгра Туркияда (1465 йилдан бошлаб) Улуғбек «Зиж»ини кенг ташвиқот қилиш билан машғул бўлди. Мирим Чалабий ва Биржондийлар эса Эрон ва Шарқнинг бошқа ўлкаларига бориб Улуғбек илмий мактаби анъаналарини давом эттирдилар. Бироқ Самарқанддаги Улуғбек мадрасаси ва ундаги мударрислар ўз фаолиятини тўхтатмадилар. Давлатшоҳ Самарқандийнинг ёзишича, 1487 йилда ҳам бу мадрасада 100 дан зиёд талаба маош олиб, таълим олган. Мадраса XVI аср охири ва XVII аср бошларигача ўз фаолиятини фаол давом эттириб турган. Машҳур шарқшунос Б. Бартольд Улуғбек мадрасасини XVII асрдаги Самарқандда рўй берган жаҳолат даврида ўз ишини тўхтатиб, XVIII аср бошларида ҳувиллаб қолган эди, деб ёзади.

Самарқанд расадхонаси эса Улуғбек ўлимидан кейин ҳам камида 50 йил турган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг «Бобурнома»сида расадхонанинг 1500 йили ҳам бус-бутун турганлигини ёзади. Бироқ расадхонадаги илмий фаолият Али Қушчининг Самарқандан кетиши билан тўхтаб қолган эди. Улуғбек замонасида расадхона таркибида қарийб 15 минг жилд китобга эга бўлган бой кутубхона ишлаб турар эди. Улуғбек бошчилигидаги академия олимлари ана шу китоблар сафига ўзларининг қарийб 30 дан зиёд нодир асарларини қўшдилар. Бу асарлар нафақат фалакиёт ва риёзиёт, балки ҳандаса, тарих, адабиёт, мусиқа, табобат ҳамда меъморчилик ва муҳандислик соҳаларини ҳам қамраб олган эди.

Хуллас, Улуғбек академияси олимларининг илм-фан тараққиётига қўшган ҳиссалари нафақат ўрта аср Шарқ илмий тафаккурини кўкларга кўтарди, балки Ғарбий Оврўпо фанининг ривожланишида ҳам муҳим замин бўлди. Бу кўтарилиш ушбу ўлкада қадимдан давом этиб келаётган Турон цивилизациясининг муҳим таркибий чўққиси бўлди. Бу чўққини айрим олимлар Ўрта Осиё мусулмон «ренессанси» деб атайдилар. Қандай аталишидан қатъи назар, фанни қадрлаш Турон халқларининг сўнмас анъанасидир. Бугунги Ўзбекистон Фанлар академияси миллий фахримиз бўлса, унинг Самарқанд бўлими маънавиятимизнинг бўлажак қанотидир. Илмий парвоз учун ҳам қанот, ҳам илдиз керак. Ўтмишда Улуғбек тузган «Байт-ул ҳикма» маънавиятимиз илдизи экан, бугунги Самарқанд академияси келажакка парвоз учун қанотдир. Бу қанот панжасининг кучи бизнинг олимларда. Шундай экан, унинг ривожи ва камолоти учун Самарқанд олимлари мутасаддидирлар.

Тошпўлат ШИРИНҚУЛОВ,
Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Самарқанд бўлимининг раиси.

Рустам ХОЛМУРОДОВ,
Самарқанд давлат меъморчилик-қурилиш институтининг ректори, профессор.

Ахтам УРОЛОВ,
шу институт профессори.

Ҳафталик кўрсатувлар

Душанба, 24. I

● ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Ёшлик» студияси. «Адолат».
18.35 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.15 Эълонлар.
19.20 «Эстрада, эстрада...». Концерт.
20.00 «Кабутарим». Телефильм.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.50 «Ислоҳот ва масъулият».
21.05 «Хотира». Ўзбекистон халқ шоири Миртемир.
21.55 «Сени излаб». Бадиий фильм.
22.55 «Ўзбекистон» ахбороти.
23.15 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.15 «Билиб қўйган яхши».
19.35 «Дам олиш соатларида».

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20, 18.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 «Якшанба». Ахборот-публицистик кўрсатув.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 Мультфильм.
9.35 «Турмуш икир-чикирлари». Бадиий телесериал премьераси. 31 ва 32-сериялар.
10.35 «Мавзу».
11.20 «Иқболи кулганда».
12.00 Янгиликлар.
12.20 «Гол».
* * *
15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Тадбиркор».
16.20 Мультфильм.
16.35 Болалар телевидениеси уюшмаси.
17.10 «Иқболи кулганда».
17.50 «Технодром».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 «Гол».
18.55 «Ҳужжатлар ва тақдирлар».
19.10 «Турмуш икир-чикирлари». Бадиий телесериал премьераси. 32-серия.
19.40 «Миниатюра».
19.55 «Эркак ва аёл».
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.30 «Спорт уик-энди».
21.45 «Қизлар ҳақида роман». М. Розовский раҳбарлигидаги «У Никитских ворот» театр-студияси фильм-спектаклининг премьераси.
00.30 «Бумеранг».
01.00 Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.30 «730-формула».
8.00 «Янги чизиқ».
8.20 Ишбилармон кишилар даври.
8.50 Мульти-пульти.
9.00 «Уз-ўзига режиссёр».
9.30 Ҳужжатли экран. «Лев Толстой ҳақида сўз». 2-фильм.
10.30 Қамал китоби саҳифалари. «Мардлик кўрсатиш пайти». Ҳужжатли фильм.
10.40 «Янги чизиқ».
11.10 Актёр «кинотеатри. В. Лановой. «Момақалдироқ сари». Бадиий фильм.
13.35 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
14.00 «Телегазета».
14.05 Теннис. Австралиянинг очиқ чемпионати.
15.05 «Россияда бизнес».
15.35 «Рус ижозатномаси».
16.05 «Янги чизиқ».
16.40 Болалар учун янгиликлар.
16.55 «Бола тилидан».
17.25 Эй-Би-Синнинг дунё янгиликлари.

18.00—20.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.00 Душанба куни детектив. «Денгиздаги муаммо». Бадиий фильм. «Эркюль Пуаро» сериалидан.
21.00 «Ҳақиқат онлари».
*
22.00 Туркия телевиденнеси. Хабарлар.
*
22.25 «Тафсилотлар».
22.35 «Юлдузлар билан суҳбатда».
22.40 Спорт кўрсатуви.
22.45 «Бўйсунмас шоир хотираси». В. Висоцкий.
23.15 «Экспоцентр» таништиради.
23.25 «Бахтли тушлар таъбири». 2-кўрсатув.
23.55 «Хроно». Авто ва мотоспорт оламида.
00.25 МХЛ юлдузлар матчи. Нью-Йоркдан кўрсатилади.

Сешанба, 25. I

● ЎзТВ I

7.00 — 9.10 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.10 «Жасурлар маскани».
9.40 «Биз очиқ жамоа». Телефильм.
10.00 «Ёшлар ҳиром айлаганда». Фильм-концерт.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Табиатшунослик.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Куй ва соз соҳиби». Телефильм.
18.25 «Сиҳат-саломатлик».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.15 Эълонлар.
19.20 «Оддий кун». Телефильм.
19.30 «Анъаналар этади давом». Мусиқий кўрсатув.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.50 Бевосита мулоқот.
21.50 «Оқ уй оқшомлари». Қисқа метражли бадиий фильм («Ўзбекфильм»).
22.40 Бокс. Ўзбекистон чемпионати.
23.25 «Ўзбекистон» ахбороти.
23.45 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.15 «Алоқалар ва шартномалар».
19.55 Композитор Э. Қаландаров билан учрашув.
«ОМАД» таништиради:
20.25 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20, 18.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки бадантарбия машқлари.
6.50 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Тинглинг, томоша қилинг...».
9.40 Мультфильм.
9.50 «Инсон ва қонун».
10.20 «Давр. Мен сендан ўтиб...». И. Анисимова-Вульф.
11.10 «Рок-сабоқ».
11.50 «Матбуот-экспресс».
12.00 Янгиликлар.
12.20 «Кумтепалардаги уй». Телевизион бадиий фильм.
13.25 «Кечиккан гул». Телевизион бадиий фильм.
15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Ишбилармонлар хабарномаси».
15.40 «Конверсия ва бозор».
16.10 «Иш».
16.20 «Менинг оилам ва бошқа жониворлар». Кўп серияли телефильм. 4-серия.
16.50 «Сирли олам ёки синема».
17.10 «Рок-сабоқ».
17.50 «Мулкдор алифбоси».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 «Парда ортида. Юксалиш».
18.50 «Қойил!». Ёш дизайнерлар халқаро танлови.
19.05 «Ҳужжатлар ва тақдирлар».
19.10 Фигурали учиш. Европа чемпионати. Кўргазмали чиқишлар.
21.00 Янгиликлар.
21.30 «Мавзу».
22.15 «Ҳеч нарса ҳақида репортаж».
22.30 «Мосфильм»нинг 70 йиллигига. «Кузги марафон». Бадиий фильм (1979 й.).
00.20 Хоккей. ХХЛ чемпионати. МАСК—«Лада». 2-давр.
01.00 Янгиликлар.
01.35 Хоккей. ХХЛ чемпионати. МАСК — «Лада». 3-давр.
02.15 «Куберten клуби».
02.45 «Матбуот-экспресс».

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.30 «730-формула».
8.00 «Янги чизиқ».
8.20 Ишбилармон кишилар даври.
8.50 Мульти-пульти.
9.00 Қамал китоби саҳифалари. «Махфий буюртма». Ҳужжатли фильм.
9.30 «Сариқ сувости кемаси» клуби.
* * *
12.05 Қамал китоби саҳифалари. «Порох». Ҳужжатли фильм.
13.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
14.05 «Телегазета».
14.10 Теннис. Австралиянинг очиқ чемпионати.
15.10 Қамал китоби саҳифалари. А. Дудин шеърияти.
15.40 Эй-Би-Синнинг дунё янгиликлари.
16.10 Ҳужжатли фильм.
16.30 Болалар учун янгиликлар.
16.45 «Рост» студияси.
17.15 «Янги чизиқ».

18.00—20.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.00 «Қамал шаҳридаги қиз». Ҳужжатли фильм.
20.10 «Жаноблар — ўртоқлар».
20.25 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 271-серия.
21.15 «Сизнинг ҳуқуқингиз».
21.30 Джаз куйларидан концерт.
*
22.00 Туркия телевиденнеси. Хабарлар.
*
22.25 «Тафсилотлар».
22.35 «Юлдузлар билан суҳбатда».
22.40 Спорт кўрсатуви.
22.50 «Антреприза». Алла Коженкова.
23.40 «Сиёсат майдонида».
00.35 «Мусиқий имтиҳон».

Чоршанба, 26. I

● ЎзТВ I

7.00 — 9.10 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.10 Республика газеталарининг шарҳи.
9.25 «Болалар ижодий уйида».
10.05 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Бизнес мактаби».
18.40 «Осойишталик посбонлари».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.15 Эълонлар.
19.20 Мавлуда Самандарова куйлайди.
19.50 Ҳиндистоннинг миллий байрами — Республика куниga. «Мўъжизакор юрт».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.50 Тадбиркорлар минбари.
21.50 «Меҳрибонгинам». Ҳинд бадиий фильми. 1 ва 2-сериялар.
00.10 «Ўзбекистон» ахбороти.
00.30 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.15 «02» тўлқинида.
19.35 «Ўзбекистон — Ҳиндистон: ҳамкорлик уфқлари».
20.05 «Шаҳар юмушлари».

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20, 18.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки бадантарбия машқлари.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Ҳакка». Болалар ахборот кўрсатуви.
9.40 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
10.30 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан).
11.20 «Джем».
11.50 «Матбуот-экспресс».
12.00 Янгиликлар.
12.20 «Тўрғайлар». Телевизион бадиий фильм.
13.35 Цирк томошалари.
14.30 Концерт.
15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Тадбиркор».
16.20 «Менинг оилам ва бошқа жониворлар». Кўп серияли телефильм. 5-серия.
16.50 Мультфильм.
17.00 «Джэм».
17.30 «700-клуби».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 Эфирда — Давлатлараро «Мир» телерадиокомпанияси.
18.50 «Ҳужжатлар ва тақдирлар».
19.05 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
19.55 «Эксклюзив. Светлана — Иосифнинг қизи...». 1-қисм.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.30 «Останкино» телеэкранида биринчи марта. «22 июнь, роппа-роса соат 4 да...». Бадиий фильм («Мосфильм, «Ладога» киностудияси).
23.15 «Илк манбадан».
23.30 «Матбуот-экспресс».
23.45 Александр Буйновнинг ижодий кечаси.
00.40 «Бутун бу джаз...».
01.00 Янгиликлар.
01.35 «MTV».

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.30 «730-формула».
8.00 «Янги чизиқ».
8.20 Ишбилармон кишилар даври.
8.50 Мульти-пульти.
9.00 «Хайрли тонг!».
9.30 «Ретро-шлягер».
10.00 «Ҳақиқат онлари».
10.55 «Азъ есмь».
11.25 «Янги чизиқ».
11.55 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 271-серия.
12.45 «Мусиқа йирик планда».
13.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
14.05 «Телегазета».
14.10 «Сайёрадош қўшнилар».
14.40 Теннис. Австралиянинг очиқ чемпионати.
15.40 «Янги чизиқ».
16.25 Болалар учун янгиликлар.
16.40 «Рост» студияси.
17.10 «М-трест».
17.25 Эй-Би-Синнинг дунё янгиликлари.
*
18.00—20.20
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.20 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 272-серия.
21.10 «Ностальжи» — барча авлодлар мусиқаси».
*
22.00 Туркия телевиденнеси. Хабарлар.
*
22.25 «Тафсилотлар».
22.35 «Юлдузлар билан суҳбатда».
22.40 Спорт кўрсатуви.
22.50 Криминал хабарлар экрани.
00.10 «Экзотика».

Пайшанба, 27. I

● ЎзТВ I

7.00 — 9.10 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.10 «Митти циркчи». Бадиий фильм.
10.10 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
10.25 Ўқитувчи экрани.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Солиқ инспекцияси фаолиятидан».
18.40 Мусиқий дақиқалар.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.15 Эълонлар.
19.20 «Тоғнинг гули ўзгача». Телефильм.
19.40 «Ўзбекистон — Ватаним маним». Адабий кўрсатув.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.50 «Иқтисод сабоқлари».
21.05 «Дельфин нидоси». Бадиий фильм.
22.35 Бокс. Ўзбекистон чемпионати.
23.20 «Ўзбекистон» ахбороти.
23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.15 Болалар учун. «Бахт куліб боқса».
19.55 «Тошкент оқшомлари».
«ОМАД» таништиради:
21.25 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20, 18.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки бадантарбия машқлари.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
10.10 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
10.50 Футбол. Уэмбли сари йўл.
11.50 «Матбуот-экспресс».
12.00 Янгиликлар.
12.20 «Хавфли бурилиш». Телевизион бадиий фильм.
13.45 Л. Гурченко қўшиқлари.
14.20 Фахрийлар учун кўрсатув.
15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Тадбиркор».
16.15 «Менинг оилам ва бошқа жониворлар». Кўп серияли телефильм. 6-серия.
16.45 Мультфильм.
17.10 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
17.50 «Технодром».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 «Лабиринт».
18.55 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
19.45 «Ленинград учун жанг». Телефильм премьераси («Лентелефильм»).
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.30 «Твин Пикс». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 25-серия.
22.25 «Бу йўлларни биз асло унутмаймиз...». О. Берггольц.
22.50 «Матбуот-экспресс».
23.00 «Ғалаба салюти». Улуғ Ватан урушида ғалаба қозонилганлигининг ҳамда Ленинград қамали бекор қилинганлигининг 50 йиллигига бағишланган халқ ижодиёти Бутунроссия фестивали. Санкт-Петербургдан кўрсатилади.
01.00 Янгиликлар.
01.35 Футбол. Уэмбли сари йўл.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.30 «730-формула».
8.00 «Янги чизиқ».
8.20 Ишбилармон кишилар даври.
8.50 «Кетдик».
9.00 Қамал китоби саҳифалари. О. Берггольц.
9.25 «Рек-тайм».
9.55 Мульти-пульти.
10.05 Қамал китоби саҳифалари. Д. Д. Шостакович китоби. «7-симфония».
10.50 Миллий сиёсат хроникаси.
11.20 «Винил чангализорлари».
11.50 Теннис. Австралиянинг очиқ чемпионати.
13.00 Ленинградни фашистлар қамалидан озод қилинганлигининг 50 йиллигига бағишланган маросим. Санкт-Петербургдан олиб кўрсатилади.
14.30 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
14.50 «Дунё аёллари». Кўп серияли ҳужжатли фильм премьераси. 7-серия.
15.15 «Янги чизиқ».
16.00 Концерт.
16.15 Қамал китоби саҳифалари. «Параллеллар».
16.45 Болалар учун янгиликлар.
17.00 «Рост» студияси.
17.30 Эй-Би-Синнинг дунё янгиликлари.
*
18.00—20.10
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.10 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 273-серия.
21.00 «Мен—йўлбошчиман».
21.25 Петербург тарихи. «Ленинград ҳақида қўшиқ».
21.55 «Ҳеч ким унутилмайди».
*
22.00 Туркия телевиденнеси. Хабарлар.
*
22.25 «Тафсилотлар».
22.35 «Юлдузлар билан суҳбатда».
22.40 Спорт кўрсатуви.
22.50 Криминал хабарлар экрани.
23.00 Менинг Ватаним. «Ленинград остоналаридаги ғалаба байрами».
23.55 Қамал китоби саҳифалари. «Ғалаба илми».
00.25 «Ҳарбий мусиқа оркестри».

Жума, 28. I

● ЎзТВ I

7.00 — 9.10 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.10 «Тўртинчи доирадаги бир кеча». Бадиий фильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Кимё.
11.00 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
11.15 «Унутилган ўйинлар». Телефильм.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Ўзбекистон халқлари тарихи.
12.00 «Усмир ва қонун».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Тилларанг риштлар жозибаси». Телефильм.
18.25 «Фан ва ишлаб чиқариш».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.15 Эълонлар.
19.20 «Ҳофизлар хониш қилганда...».
20.00 «Ўзбекистон» киножурнали.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.50 «Биз танлаган йўл».
21.20 «Ёшлик» студияси. «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
22.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
22.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.15 «Мўъжизакор гўзаллик сири». Телефильм.
19.40 Болалар уйлари ва мактаб ўқувчилари бадиий ҳаваскорларининг кўриги.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.50 «Ретро-концерт». Л. Куравлёв.

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20, 18.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки бадантарбия машқлари.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Қувноқ нотачалар».
9.40 Эртак ҳузурида меҳмонда. «Кичкина деманг бизни...». Бадиий фильм.
11.00 Мультфильмлар.
11.20 «Қуёшли ўлка оҳанглари».
11.50 «Матбуот-экспресс».
12.00 Янгиликлар.
12.20 П. Штейн, И. Ицков. «Биз бўлган жойда». Москва «Ленком» театрининг фильм-спектакли.
13.40 «И. С. Козловский ижро этади». Фильм-концерт.
14.30 «Хонаки театр».
15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Ишбилармонлар хроникаси».
15.35 «Бридж».
15.55 «Бизнес-класс».
16.10 Мультфильм.
16.30 Эртак ҳузурида меҳмонда. «Кичкина деманг бизни...». Бадиий фильм.
17.50 «Мулкдор алифбоси».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 Маданият янгиликлари.
18.40 «Инсон ва қонун».
19.15 АҚШдаги руслар.
19.45 «Мўъжизалар майдони».
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.30 «Твин Пикс». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 26-серия.
22.30 «Ҳафтанинг машҳур кишиси».
22.50 «Оба-на».
23.30 «Максима».
24.00 «Матбуот-экспресс».
00.15 «Музобоз».
01.00 Янгиликлар.
01.35 «Х» программаси.
01.50 «Хит-конвейер».

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.30 «730-формула».
8.00 Мульти-пульти.
8.10 «Янги чизиқ».
8.30 «Ишбилармон кишилар даври».
9.00 «Кетдик».
9.10 «Ностальжи» — барча авлодлар мусиқаси».
10.00 «Уз манзили».
10.30 Мульти-пульти.
10.40 «Мастер-класс». Г. Вишневская.
11.25 «Янги чизиқ».
11.55 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 272 ва 273-сериялар.
13.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
14.00 Россия телевизион театри. С. Мрожек. «Очиқ денгизда».
14.50 Теннис. Австралиянинг очиқ чемпионати.
15.50 Жума кунлари Дисней. «Оқ айиқ изидан». Бадиий фильм. 1-серия.
16.40 Болалар учун янгиликлар.
16.55 «Россияда бизнес».
17.25 «Телегазета».
17.30 Эй-Би-Синнинг дунё янгиликлари.
*
18.00—20.20
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.20 «Овросиё-ТВ» таништиради: «Террор сафари». Бадиий фильм. 1-серия.
*
22.00 Туркия телевиденнеси. Хабарлар.
*
22.25 «Тафсилотлар».
22.35 «Юлдузлар билан суҳбатда».
22.40 Спорт кўрсатуви.
22.45 «К-2» таништиради: «Перпендикуляр кино».
23.40 «Юлдузли ёмғир».
00.40 Тунги сеанс. «Додлаб йиғлагим келяпти». Бадиий фильм (Польша).

Шанба, 29. I

● ЎзТВ I

7.00 — 9.10 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.10 Республика газеталари шарҳи.
9.25 Инглиз тили.
9.55 «Ўзбекистон спорти».
10.15 «Қорақалпоқ болалари».
10.55 Муллатўйчи Тошмуҳамедов номидаги Қашқадарё вилоят театрининг «Амир Темур» спектакли.
12.45 «Тафаккур гулшани».
13.20 Футбол. Голландия чемпионати.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Мактабда Алифбе байрами».
18.20 «Оламни асранг».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.15 «Тановор» миллий рақс ансамблининг концерти.
19.50 «Ишбилармон».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.50 Халқаро шарҳловчилар давраси.
21.20 «Ёшлик» студияси. «Зиё».
22.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
22.50 «Тунги ёғду». Дам олиш кинопрограммаси.

● ЎзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.15 Болалар учун. «Қиш эртаги ёки қалб қувончлари».
19.45 «Мусиқий меҳмонхона».
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.50 «Кинотриада».

● «ОРБИТА IV»

6.45, 15.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби.
6.50 Эрталабки бадантарбия машқлари.
7.00 «Матбуот-экспресс».
7.10 Ишбилармон кишининг шанба тонги.
7.55 Янгиликлар.
8.30 «Моторлар оламида».
9.00 «Марафон-15» таништиради...
9.30 Эфирда — Давлатлараро «Мир» телерадиокомпанияси.
10.55 «Тонгги почта».
11.25 «Лаззат».
11.40 «Тиббиёт ҳамма учун».
12.10 «Марафон-15».
12.50 «Мен—аёлман».
13.20 Шимолий Осетияда хизмат кўрсатган артист Ф. Царикати куйлайди.
«КТВ-I» ҳамда «Франс интернасиональ» канали таништиради:
14.00 «Пиф ва Геркулес». Кўп серияли мультфильм премьераси.
14.10 «Кусто командасининг сувости одиссеяси». Кўп серияли ҳужжатли фильм премьераси.
*
15.00 Янгиликлар.
15.25 «Пеппи Узунпайпоқ». Болалар учун кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
15.50 «Вагон 03».
16.30 «Спорт ва санъат».
17.20 «Эрмитаж». Кўп серияли телефильм премьераси. 2-фильм.
17.50 «Ҳайвонот оламида».
18.30 «Ҳафтанинг акс садоси».
19.00 «Қойилмақом эттовлон».
19.50 «Коламбия пикчерс» таништиради: «Қойилмақом жуфтлик». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.30 «Коламбия пикчерс» таништиради: «Тақдир ҳазиллари». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-серия.
22.25 «Янги душанба». Дам олиш кўрсатуви.
23.40 «Менинг уйим — бу менинг либосим». Телефильм.

«Сно-видение» тунги канали

00.10 Хонанда И. Аллегрова портретига беш чизги.
00.40 «Тунги хит».
01.40 «Автоэкспресс».
01.50 «Тунги хит»нинг давоми.
02.30 «Дебют». Танаффус пайтида (01.00) — Янгиликлар.
*
02.50 «Матбуот-экспресс».

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.25 Ҳужжатли фильм.
8.45 «Рост» студияси.
9.15 «Сиз яратган боғ».
9.45 «Лад» — галерея».
10.15 «Чегарасиз футбол».
11.10 Киномарафон. М. Горький номли студия фильмлари. «Ильич заставаси». 1-серия.
*
13.15—17.05
«ЎЗБЕКИСТОН»
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ

13.15 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
13.25 «Ҳамкорлик йўлидан».
14.00 «Немислар ҳаётидан».
14.40 «Умид» (уйғур тилида).
15.20 «Анор меваси». Леонард Дузе ижоди.
16.05 «Кашфиётлар оламида».
16.50 «Бу ажиб дунё».
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
17.05 «Пилигрим». Россия саёҳатлар бюроси.
17.50 «Ҳар бир кун байрам».
*
18.00—20.10
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.10 Киномарафон. «Тўртинчи ҳокимият». Бадиий фильм.
*
22.00 Туркия телевиденнеси. Хабарлар.
*
22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
22.25 Спорт кўрсатуви.
22.30 «Мутлақо махфий».
23.20 Катталар учун мультфильм.
23.35 «К-2» таништиради: «Америка юлдузлари».
00.05 «Фильм-премьер».
00.25 Тунги сеанс. «Улимнинг қизил ниқоби». Бадиий фильм (АҚШ).
01.55 «А» программаси.

Якшанба, 30. I

● ЎзТВ I

7.00 — 9.10 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.10 «Цирк! Цирк! Цирк!».
10.00 «Ёшлик» студияси. «Ватанимга хизмат қиламан».
10.40 «Маҳобҳорат». Кўп қисмли телевизион бадиий видеофильм (Ҳиндистон). 51—52-сериялар.
12.10 «Таълим ва ислоҳот».
12.40 «Қишлоқ ҳаёти». Публицистик кўрсатув.
13.40 «Сиз кутган дақиқалар».
14.15 Тижорат канали. «Ватанинг равнақи — ишчидадир».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Сеҳрли оҳанглар».
18.30 «Санъат оламида».
19.00 «Ҳафтанома» (рус тилида).
19.30 «Ойнаи жаҳонда».
19.50 «Якшанба оқшомида».
20.30 «Ҳафтанома».
21.10 «Ўзанини топар дарёлар».
22.00 «Театр учрашувлари».
23.00 «Ҳафтанома».
23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:
17.00 «Мультфейерверк».
17.15 «Курьер».
17.30 «Юлдузли осмон».
17.45 «Ёш тижоратчининг оддий кунлари».
17.55 «Ҳар соҳадан бир шингил».
18.05 «Совға».
18.30 «Салом, ёшлар!».
18.55 «Даракчи».
19.05 Эълонлар.
19.10 «Видео-О».
20.40 «Курьер».
20.55 «Ҳар соҳадан бир шингил».
21.15 «Даракчи».
21.25 Эълонлар.
21.30 «Видео-О».

● «ОРБИТА IV»

6.40, 15.15, 22.45, 01.15 — Кўрсатувлар тартиби.
6.45 Эрталабки бадантарбия машқлари.
6.55 «Руҳни чиниқтириш».
7.55 Янгиликлар.
8.30 «Телесеренада». Мусиқий дам олиш кўрсатуви.
9.00 «Арт-курьер».
9.30 «Эрта саҳарлаб».
10.00 «Полигон».
10.30 «Спортлото».
10.45 «Ҳамма уйдалигида».
11.15 «Тонг юлдузи».
12.05 «Рус олами».
12.45 Киноҳақиқатми! «Олтин юлдуз кавалерлари». Бадиий фильм («Мосфильм», 1950 й.).
15.00 Янгиликлар.
15.20 Эфирда — Давлатлараро «Мир» телерадиокомпанияси.
16.00 «Саёҳатчилар клуби».
16.50 «Ҳунарли хор бўлмайди».
16.55 Мультфильмлар премьераси: «Мушук Феликс», «Ҳақиқий ажина овловчилар».
17.50 «Панорама». Ҳафталик халқаро кўрсатув.
18.30 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.45 Мультфильм.
19.05 «Юмор антологияси».
19.50, 22.50 Томошалар ҳамда оммабоп куйларга «Овация» миллий мукофотини топширишга бағишланган тантанали маросим.
22.00 «Якшанба». Ахборот-публицистик кўрсатув.
23.45 Футбол. Халқаро турнир. Ҳамдўстлик мамлакатлари чемпионларининг кубоги.
24.00 «Эндиликда». Дунё кўрсатув.
01.00 Янгиликлар.
01.20 М. Финберг оркестри чалади (Беларусь).

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.25 Ҳужжатли фильм.
8.50 Мульти-пульти.
9.05 Хайрли тонг! «Чемпионлар учун нонушта».
9.35 Катта хоккей.
10.05 «Рост» студияси.
10.35 Кипрас Мажейка. «Кичик Европа»дан репортажлар.
11.05 «Аты-баты...».
11.35 Киномарафон. М. Горький номли студия фильмлари. «Ильич заставаси». 2-серия.
13.35 «Здоровье».
14.05 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
14.25 «Кесиб ташламанг...».
*
14.40—18.25
«ЎЗБЕКИСТОН»
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ

14.40 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
14.50 «Ягона дунё, ягона иқтисодиёт». Халқаро валюта фонди ҳақида.
15.35 «Безнен мирас» (татар тилида).
16.15 «Замандас». Сабит Набибаев ҳақида телеочерк (қозоқ тилида).
16.50 «Чинсэн» (корейс тилида).
17.25 Хорижий тароналар.
18.10 «Бу ажиб дунё».
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.25 «Оқ қарға».
19.10 Диснейнинг сеҳрли олами. «Қора плашч». «Гуфи ва унинг командаси».
20.00 «Ҳар бир кун байрам».
20.10 Си-Би-Эс кинотеатри. «Хайрли тун, хотинжон!». Бадиий фильм.
*
22.00—23.05
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

23.05 «Юлдузли ёмғир».
00.10 Стас Намин маркази (Эс-Эн-Си) таништиради: «Сариқ сувости кемаси» клуби.
00.40 Теннис. Австралиянинг очиқ чемпионати. Ярим финал.

Тадбиркорлар, ишбилармонлар, қўшма корхоналар, фирмалар раҳбарлари диққатига!

ЭЪЛОНИНГИЗНИ ЭНГ АРЗОН НАРХЛАРДА ЧОП ЭТАМИЗ

«Ўзбекистон овози» газетаси ва унинг ахборот-тижорат иловаси — «Осиё бозори» газетаси чекланмаган миқдорда энг арзон нархларда Сизнинг эълонларингизни чоп этиш учун қабул қилади.

Бизнинг газетамиз мамлакатимизда энг кўп нусхада тарқаладиган газетадир. Уни нафақат республикамизда, балки МДҲ давлатлари ва чет элларда ўқишади.

Сиз ўзингизга тез ва керакли ҳамкорни топмоқчи бўлсангиз редакциямизга мурожаат қилинг.

БИЗНИНГ ТЕЛЕФОНИМИЗ: 33-41-89, 32-55-70.

Ҳамроқул РИЗО

ҲУЗУРИНГГА БИР КУНИ КЕЛСАМ...

БЎЛАР

(БАХШИЁНА)

Қизлар ўсиб, ўйчан бўлар,
Қиёқ ўсиб, пичан бўлар.
Эл сўзини тинглай-тинглай—
Бахши сўзга чечан бўлар.

Айёр жонзот тулки бўлар,
Нам тортган сим салқи бўлар.
Узин туллор санаб эшак,
От олдида нулки бўлар.

Бахил бир иш топмоқ бўлар,
Булоқ кўзин ёпмоқ бўлар.
Оёқ битса гар илонга
Кўпкарида чопмоқ бўлар.

Тоғ кўчкидан вайрон бўлар,
Сутдан қатиқ, айрон бўлар.
Елғон ёзса шоирлари,
Тинглаганлар ҳайрон бўлар.

Ип ўраган урчуқ бўлар,
Ойга ҳурган кучук бўлар.

Ким айтади бу оламда
Уммон суви чучук бўлар!

Қиз безаги — сирға бўлар,
Тойлар чопиб йўрға бўлар,
Қарға қирға қўнган билан
Бургут бўлмас, қарға бўлар.

Уроққида ўроқ бўлар,
Фарзанд кўзга қароқ бўлар.
Ҳаволанма, йиллар ўтиб,
«Кимсан!», — деган сўроқ бўлар.

ВАФО БИЛАН

Бедор этдинг париваш ёқимли сафо билан,
Симоб янглиғ титратдинг кўздаги вафо билан.

Тўрғай куйи қалбингга ором бағишлар, жоним,
Силаб ўтса сочингни ёқимли наво билан.

Ота-она ҳурматин ўрнига қўйгин, деди,
Расулуллоҳ сўзлашиб қайтганда худо билан.

Орага нифоқ солай деб, пойлашар рақиблар
Ҳар тўкисда нуқсон бор деб, ёзган иншо билан.

Ризо деган отимни розиман бошқа қўйсанг,
Ҳузурингга бир куни келсам гар жафо билан.

АБДУЛАТИФ

Қизлар гуноҳини кечиргай она,
Азалий одатдир онага бу ҳол.
Гуноҳкор фарзандга бўлиб парвона
Куну тунлар унга тилайди иқбол.

Парвардигор асра ўғлим жонини—
Деган сўзни ота кўтаргай тудек.
Ўғли Абдулатиф гуноҳларини
Кечмаганда ўлмас эди Улуғбек.

ТУТАШ

Юрганда қорда қолган изларинг жонга туташ,
Ёшликда севдим деган сўзларинг жонга туташ.

Навбаҳор кунларининг оташли кунларини,
Кўзларимга жо этган кўзларинг жонга туташ.

Севгининг саҳросида оловли қуёш мисол
Тик келиб, қалб куйдирган ёзларинг жонга туташ.

Қалбимдаги бедаво қонаб турган ярамни
Қайтадан тирноқлаган нозларинг жонга туташ.

Вафонинг уммонида ёқут янглиғ патлари
Кўзларни қамаштирган ғозларинг жонга туташ.

Бу Ризони оқшомларда қолдирмайин фироқда
Ишқ базмига чорлаган созларинг жонга туташ.

ШОИР

Одам берган жойдан ортга
қайтганда,
Узгармасин уйга элтгувчи йўли.
«Бу—текинхўрдир» дея айтганда,
Утмишда шоирнинг суғурилган тили.

Ахир, ўша шоир бир фарзанд
мисол,
Қўйганди юртига меҳр-муҳаббат.
Одамлар бирлашиб, ишланғиз
хушҳол,
Дея эзгуликка этганди даъват.

Шоир билар эди, боқимандалик,
Дея эканлигин текин емоққа.
Улимни олдидан айтганди шундай:
«Дилни худога бер, берма
томоққа».

ОДАМНИНГ БОШИ

Ўтган замонларнинг шамолларидан
Кукунга айланар сойларнинг тоши.
Қилган гуноҳларнинг саволларидан
Ёрилай дер, баъзан одамнинг боши.

БИР ПИЁЛА ЧОЙ

Булутлар сузади ойнинг остида
Шу ойни севишдек истакдан
қайтма.
Бир ҳўплам новвотли чойнинг
устида
Нормамат пасткашга сиринғни
айтма.

Бу пасткашнинг кўнгли доимо
ярим,
Унда ҳам икки кўз, иккита
қўл бор.
Аммо уч тил берган
Оллоҳи Карим,
Тилининг остида иккита тил бор.

БУЗОҚ

Одатимиз қизиқ, ҳаёлга толиб,
Сут берган сигирни яхши демаймиз,
Гар унинг бузоғи қолса йўқолиб,
Туёғи олтиндан эди дегаймиз.

ҚУЛОҚ

Нокасга узоқ умр тилаб бўлмагай,
Тиканни қўл билан силаб бўлмагай.
Барча ҳаракатлар кетар бесамар,
Кесилган қулоқни улаб бўлмагай.

Ўйнаб учар шаббодалар... Владимир Молгачев олган сурат-лавҳа.

• *Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир!*

ҚОЧИБ ҚУТУЛИШОЛМАДИ

Пешқу тумани маркази — Янгибозорда икки номаълум шахс «Туркистон» жамоа хўжалигидан туман марказига келган кишини куппа-кундузи тунашди. Улар меҳмонни қўрқитиб, пул талаб қилишди. Гапга кўнмагач, роса дўппослаб, ёнидаги йигирма минг сўмни тортиб олишди.

Аммо, улар узоқ пайт «номаълум» бўлиб қолишгани йўқ. Воқеадан хабар топган ички ишлар бўлими ходимлари талончиларни дарҳол тутишди. Уларнинг бири Бухоро технология институтининг талабаси, иккинчиси шу ердаги кўчма колонна ишчиси экан. Улар тортиб олган пул эгасига қайтарилиб, талончилик бўйича жиноий иш қўзғатилди.

АРОҚДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

Наманганда ДАН ходими қоида буган машинани тўхтатди. Гап орасида нимадандир шубҳага тушган назоратчи машина ичи ҳамда юкхонасини кўздан кечирди. Қараса... машинага 480 шиша рус ароғи юкланган экан. Энди ишнинг давоми билан ички ишлар ходимлари шуғуллана бошлашди.

Ароқ Наманган кимё заводида ҳайдовчи бўлиб ишлайдиган кишиникида тайёрлангани аниқланди.

Наманган ароқ-вино заводи ходимлари ароқнинг сифатини текшириб кўришди. Даражаси жиҳатидан дўқондаги ароқдан кучлироқ бўлса ҳам, унинг таркибида заҳарли моддалар кўплиги аниқланди. Тергов ишлари давом этмоқда.

(ЎзА).

• *Соғлом авлод учун*

ГАР СИҲАТ ТИЛАР ЭРСАНГ...

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИНИНГ БОШ ТЕРАПЕВТИ, ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ, ПРОФЕССОР АБДУҒАФФОР ГАДОЕВ БИЛАН МУЛОҚОТ.

— Абдуғаффор ака, мулоқотимизни бирданига тиббиёт соҳасидан эмас, балки ҳозир кўпчиликни ҳайратга соладиган ғаройиб воқеалардан бошласак. Яхши биласиз, кейинги уч-тўрт йил орасида ҳар хил касалликларни тиғсиз, дори-дармонсиз даволаётган, ҳатто анчагина муваффақиятларга эришаётган ғайритабиий қобилиятга эга бўлган кишилар ҳақида жуда кўп гап-сўзлар бўлаяпти. Гоҳо кўча-кўйда, гоҳо газета-журналлар саҳифаларида, радио-телевиденияда улар ҳақида гапиришаяпти, ёзишаяпти. Ҳатто бир вақтнинг ўзида юзлаб, минглаб беморларга сеанслар беришаётганининг ҳам гувоҳи бўлганмиз. Бир тажрибали мутахассис, қолаверса, кўпни кўрган дўхтур сифатида буларга қандай муносабат билдирасиз?

— Бу қизиқ ва ғалати. Нима деб аташни ҳам билмайсан-да киши. Бундай ҳолатлар, ҳайратомуз воқеалар авваллари ҳам бўлган. Лекин халқнинг ўзи кимга ишониши, кимга ишонмасликни жуда яхши билади. Мен бу «ғайритабиийлик»ка ўз муносабатимни билдириб, газетада яна шов-шув, баҳс-мунозара уйғотмоқчи эмасман. Вақтнинг ўзи кўрсатади. Ундай кароматгўйлар сохта экстрасенс-табиблар сони мингта.

Бир ҳақиқатни айтайин: шундай ёлғончи «шифокорлар» айрим касалликларни тез-тез қайталаб туриши ёки сурункали кечишидан, қолаверса, халқимизнинг ишонувчан ва соддалигидан фойдаланиб, унинг ҳисобига бойиб олиш пайида бўлаяпти. Сиз юқорида тилга олган, бизлар кўпам эътибор бермаётган «ғаройиб» муолажалардан кейин оғир аҳволда онкология, тери-таносил, асаб касалликлари ҳамда бошқа шифохоналарга ётқизилаётган беморлар хусусида қўлимизда маълумотлар кўп.

Энди гиёҳлар билан даволашга келсак, ҳақиқатан табиат, айниқса, бизнинг сеҳрқўёш ўлкамиз инсонга бебаҳо хазина ато этган. Бу ўсимликлар дунёсидир. Табиатдаги ва ўсимликлар таркибидаги юзлаб биологик фаол моддалар инсон аъзоларига турлича таъсир ўтказади. Дориларнинг аксарияти ўсимликлардан олиниши бежиз эмас. Зотан, Аристотелдан тортиб буюк бобокалонимиз Абу Али Ибн Синогача гиёҳлардан малҳам сифатида фойдаланган ва ҳозирги илмий табобатда ҳам унинг ўрни баъзи хасталик учун фойдали бўлса, бошқаси учун хавфлидир. Мен баъзи мисоллар келтирмоқчиман. Халқимиз орасида кенг тарқалган касалликлардан бири бўлмиш ошқозон шиллиқ пардасининг яллиғланиши (гастритлар) шира камайиши билан кечганида зира, ялпиз тавсия этиш фойдали бўлса, ушбу хасталикнинг ошқозон шираси кўпайиши билан кечувчи турида гиёҳларни бериш дардининг зўрайишига, ошқозонда яра пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Миокард инфарктида ёки уни ўтказган беморларда, шунингдек, қон томирлари яллиғланишининг тромблар ҳосил бўлишига мойиллик билан кечувчи турида раҳон, кинза каби доривор гиёҳлардан фойдаланиш ярамайди. Чунки булар қон ивишини тезлаштиради. Шу ўринда бир қатор гиёҳлар ва уларнинг гуллари инсонда аллергик (сезувчанликнинг ошиб кетиши) ҳолатлар чақиришини ҳам эслатиб ўтмоқчиман.

— Сизни тўғри тушунган бўлсам, доривор гиёҳлар тиббий маълумотга эга шифокорлар томонидан ишлатилсагина мақсадга мувофиқ бўлади демоқчисиз-да?

— Албатта, бунга далил сифатида яқинда содир бўлган бир воқеани айтиб берай: Бўғинларнинг сурункали яллиғланиши (подагра касали оқибати) ва айни пайтда ўн икки бармоқли ичак яраси билан оғриган, илгари бизнинг шифохонада даволаниб кетган бемор навбатдаги бўғин оғриғининг ҳуружида наманганлик гиёҳ билан даволовчи табиблардан бирига нажот истаб борган. Табиб таркибида икки-уч хил гиёҳ бўлган дорини бериб, кунига уч-тўрт маротаба истеъмол қилишни тавсия этган. Бир неча кун ўтгач, унинг ўн икки бармоқли ичак яраси қайталаган ва қон кетиш бошланган. Кейин охир-оқибат ниҳоят «Билимсиз кишилар қўлида ҳар қандай дори оғудир, билимдонлар қўлида эса у ҳаёт абадийлигини таъминловчи шарбатдир».

— Ўлкамиз доривор гиёҳлар, ноз-неъматлар юрти. Шунга қарамай, ўзбеклар дастурхонини кўпроқ нон ва хамирли овқатлар безайди. Буларнинг зиёни йўқми?

— Тиббиётнинг отаси Гиппократ «Истеъмол қилаётган таомингиз дори вазифасини ўтасин, дорингиз таомдан иборат бўлсин» деган эди. Инсон танаси аъзоларига таъсир этувчи минглаб омиллар ичида овқатланиш, айниқса, ўз вақтида ва ўз меъёрида, парҳезбоп таомлар истеъмол қилиш катта аҳамиятга эга. Собиқ Иттифоқ даврида парҳезли овқатланишни ташкил этиш халқимизнинг тарихан таркиб топиб келган ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олмай амалга оширилар эди. Ҳозир вазирлик томонидан бу йўналишда ҳам талай ижобий ўзгаришлар қилинмоқда.

Энди бевосита мева-сабзаватлардаги инсон саломатлиги учун зарур витаминлар, микроэлементлар ва бошқа моддалар масаласига келсак, уларни касаллик туридан, давридан келиб чиқиб, кўпроқ ёки камроқ, айрим ҳолларда эса хасталикнинг олдини олиш учун узоқ муддат истеъмол қилиш керак. Жаҳондаги етакчи илмий марказларда олиб борилган кузатувлар шуни кўрсатмоқдаки, юқори сифатли ун маҳсулотларидан тайёрланган овқатлар, ширинликлар ва ҳайвон ёғи билан қилинган таомларни муттасил истеъмол этиш ҳазм қилиш аъзолари ишининг сусайишига олиб келади. Бу ҳол доимий қабзият пайдо бўлиши, ичакларда бижғишнинг ва газ йиғилишининг кучайиши, провардида эса зоҳир бўлган турли заҳарли моддаларнинг қонга сўрилишига сабабчи бўлади. Ушбу ҳол нафақат ошқозон-ичак тизими, балки жигар, юрак-қон томир касалликларининг келиб чиқишига ҳам олиб келаркан. Агар кундалик истеъмолда етарли даражада сабзавот ва кўкатлар бўлса юқоридаги хасталикларнинг олдини олиш мумкин.

— Балки шу ҳақда батафсилроқ гапириб берарсиз.

— Деярли барча ўзбек хонадонларида овқатга ошқовоқ ишлатилади. Лекин табиатнинг шу ноёб инъомидан тўла фойдалана оляпмизми? Халқ ўртасида, айниқса, қишлоқларда бевосита овқатланиш билан боғлиқ қабзият ёки йўғон ичак шиллиқ пардасининг сурункали яллиғланиши кўп учрайди. Бундан ташқари танасида калий моддасининг етишмовчилиги, оқибатида юрак ўйноғи, нафас қисишидан қийналиб юрган кишилар қанча. Уларнинг аввалги гуруҳга мансублари ҳозирги тақчиллик даврида дорихонама-дорихона чопиб сурги дорилари қидирсалар, кейингиларига калийли дорилар (панангин, калий оратат ва бошқа)ни излайдилар. Ваҳолонки, ошқовоқ таркибида кўплаб (14 фоиз) клечатка бўлиб у ичак қисқаришининг ҳолатини мўътадиллаштиради ва сурги дорисига эҳтиёж қолмайди. Яна унда 170 миллиграммгача калий бўлиши ошқовоқни калийли дорилар ўрнида ишлатиш имконини ҳам беради. Ошқовоқда мавжуд бўлган темир микроэлементи камқонликни даволашда тавсия этилса, уруғи ичак гижжаларини ҳайдашда ишлатилади. Ёки бақлажонни олиб кўрайлик. Уни истеъмол қилиб туриш қонда холестеринни камайишига олиб келади. (холестерин — атеросклероз ва унинг натижасида пайдо бўлувчи юрак ишемик хасталигининг бош сабабчиларидан бири), юрак фаолиятига ижобий таъсир этади. Бақлажон таркибида темир, кобальт, марганец, цинк каби микроэлементларнинг етарли даражада мавжудлиги қон ҳосил бўлишини кучайтиради.

Сабзавот ва меваларнинг фойдали томонлари ҳақида жуда кўп гапириш мумкин. Муҳаммад Рози айтганидек: «Тўғри овқатланиш, парҳезга эътибор бериш билан кўплаб касалликларнинг олдини дори истеъмол қилгандан бир неча баробар яхшироқ олиш мумкин».

Ҳозир барча йирик шаҳарларимизда шифобахш гиёҳлар билан савдо қилувчи дорихоналар ёки уларнинг бўлимлари мавжуд. Кўпгина шифохоналарда фитобарлар ташкил қилинган. Бу ерда кишилар керакли илмий маслаҳатлар олишлари мумкин. Шахсан ўзим шифохонамизда даволанаётган беморларга касалидан келиб чиқиб шифобахш гиёҳлар ҳамда мева-сабзавотлар шарбатидан ичишни тавсия қиламан. Натижалар ёмон эмас.

— Ўрта Осиё, айниқса, бизнинг шароитда кучли каллорияга эга овқатларни кечқурун, ётиш олдидан истеъмол қилиш одати бор. Илмий тиббиётнинг ва Сизнинг бунга муносабатингиз қандай?

— Сиз айтган овқатларни (гўштли, хамирли ва бошқалар) уйқудан уч-тўрт соат олдин, яхшиси, тушликда истеъмол қилиш мақсадга мувофиқдир. Лекин бу хил таомларга доимий рўжу қўйиш, семириб кетиш, қандли диабет, юрак хасталиги ва хафақонлик (гипертония) касалликларига олиб келади. Шу ўринда буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг «Сиҳат тиласанг кам е, иззат тиласанг кам де» деган ўлмас сўзларини ўқувчиларга эслатиб қўймоқчиман.

Муҳаммад ШАРИФ суҳбатлашди.

СПОРТ

ЭНГ ЯХШИЛАР САРАЛАНДИ

● Республика енгил атлетика уюшмаси тренерлар кенгаши ўтган йилнинг энг яхши спортчи ва мураббийлари танлови якунларини чиқарди.

Ўтган йили енгил атлетикачиларимиз мамлакат ва халқаро миқёсда ўтказилган мусобақаларда маҳорат кўрсатиб, мухлислар ишончини оқлашга, Ўзбекистон довруғини оширишга астойдил ҳаракат қилдилар. Энг яхшиларини аниқлашда енгил атлетикачи ва уларнинг тренерларининг бу борада улушлари инобатга олинди. Хусусан халқаро тоифадаги спорт усталари — ўнкурашчи Рамил Ғаниев, югурувчи Анвар Кучмуродов, учҳатлаб сакровчи Дамир Тошпўлатов, ядро иргитувчи Сергей Кот, найза улоқтирувчилар Владимир Парфенов билан Оксана Яригина ҳамда баландга сакровчи Светлана Рубан каби ўнлаб спортчилар «Энг яхши енгил атлетикачи» номига сазовор бўлишди.

ҲОМИЙЛАР БОР БЎЛСИН

● Футболчиларимиз мамлакат миллий чемпионатига қизғин ҳозирлик кўрмоқдалар. Олий ва биринчи табақа жамоалари мавсумолди учрашувларида машқларни тобига етказишга зўр бермоқдалар.

«Трактор» футболчиларининг Малайзияга қилган сафари ҳам муваффақиятли ўтди. Тошкент тракторсозлар заводи маъмурияти футбол жамоасини моддий жиҳатдан қўллаб турибди. Тракторчилар сафарда «Негриз белан» клуби билан учрашиб, ҳисобни 1:1 қилишди. Мавсумга тайёргарликда Бухоронинг «Нурафшон» жамоасининг ҳам омади келган. Бу жамоани Эронинг туризмга иқтисослашган «Ипак йўли» фирмаси бош менежери Аббос Зарекши ҳомийликка олган. Бухороликлар 16 кунлик сафар чоғида тўртта учрашув ўтказадилар. Жумладан «Гатч» клуби билан учрашувда меҳмонларнинг қўли баланд (2:0) келди. Улар яна икки учрашувда ғалаба қозониб, биттасини дуранг қилишди.

ХАРЧИНОМА

ТАШКИЛОТ СОТАДИ:

1. ТДМ 317 пайвандлаш аппаратлари;

2. Пишлоқ, томат пастаси, спирт, қуруқ сут ва бошқа суг маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ивитиш ускуналари;

3. ОКС 1671. М гидропресслари;

4. МКСБ пшп 4х4х1,2 телефон симлари;

Телефонлар: 45-75-67, 45-75-23.

ТАШКИЛОТ ТАКЛИФ ЭТАДИ:

1. Уч фазали ассинхронли 2,2—4кВтх минутига 1000—3000 ўрамдаги электрдвигателлар.

2. «Тошиба» — Япония фирмаси ишлаб чиқарган уч фазали, ассинхронли электрдвигателлар;

30 кВтх минутига 1500 ўрама;
37кВтх минутига 3000 ўрама;
45 кВтх минутига 750—1500 ўрама;
55 кВтх минутига 750 ўрама;

Телефон: 45-75-67, 45-75-23.

"ТИМАРТ" Фирмаси ЭЖК маркали озиқ-овқат ОК ТУНУКАСИНИ таклиф қилади
ўлчови 712х820х0,22 мм
Гост 13345-85
Тел.: (3712) 91-02-32, 91-60-01.

Усмон Носир номли Тошкент давлат полиграфия техникуми томонидан
РАСУЛОВА Гўзалхон Юнусметовна
номига берилган ПТ I № 146793 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

«Чилонзор» савдо ишлаб чиқариш акционерлик жамияти маъмурияти ва касаба уюшмаси мазкур ташкилотнинг собиқ ходими, савдо аълочиси, устоз—мураббий

РУСТАМОВ Анвар Абдулло ўғлининг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва қариндош уруғларига чуқур таъзия билдиради.

САНИИРИ илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси «СУВ ЭКОЛОГИЯСИ» лабораториясининг мудири, техника фанлари номзоди Искандар Рўзиевга акаси

Сайфуддин РЎЗИЕВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва қариндош уруғларига чуқур таъзия билдирадилар.

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

Бош муҳаррир: Азим СУЮН.

Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Зиёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Каримжон РИХСИЕВ, Миршароф МУҲСИМОВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» иловаси учун масъул), Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-21-43.
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими — 33-54-55, 32-26-70.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.

Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.

Шароф Рашидов фонди — 33-34-69, 33-20-36.

Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ

Андижонда — 4-48-85;
Бухорода — 3-96-12;
Гулистонда — 2-26-22;
Жиззахда — 3-46-24;
Навоийда — 3-74-76;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 4,44-62;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 52-624;
Самарқандда — 35-22-90;
Урганчда — 6-72-60;
Фарғонада — 6-37-16.

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.
Ҳажми 3 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Г—687. тнр. 82.747. топширилди — 23.10
Навбатчилар: Н. ЖАЛИЛ, Ш. СУЛТОНОВ.



МАНЗИЛИМИЗ:
700083. ТОШКЕНТ, ГСП, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «БуюкТурон» кўчаси 41-уй.